

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 3 декабрь, № 260 (8322)

Шанба

Сайтга мизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТ

Қадрли ватандошлар!

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон қадрли, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Бу жараёнда барча фуқароларимиз каби ногиронлиги бўлган юртдошларимизга эътибор ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Бу борада чуқур инсонпарварлик гоёлари билан йўрилган саъй-ҳаракатларимиз 3 декабрь — **Халқаро ногиронлар кунидан** кўзланган мақсад ва вазифаларга ўйун ва ҳамоханг эканини таъкидлаш лозим.

Дунё мамлакатлари қатори юртимизда ҳам кенг нишонланаётган мазкур сана муносабати билан мамлакатимиздаги **1 миллионга яқин** ногиронлиги бўлган юртдошларимизга ўзининг самимий ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Маълумки, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларга жамият ва давлат томонидан қўмак ва ёрдам бериш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол жалб этишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда ушбу тоифага мансуб фуқароларни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган бир қатор тузилмалар, хусусан, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ногиронлар ассоциацияси, Кўзи ойналар жамияти, Карлар жамияти самарали фаолият кўрсатмоқда.

Энг муҳими, тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган биронта ҳам юрдошимиз халқимизнинг, давлат идораларининг меҳру эътиборидан четда қолмасдан, ўзининг меҳнати ва қобилияти билан нафақат ҳаётда ўз ўрнини эгаллаб келмоқда, балки азму матонати, сабр-бардоши ва шукроналик фазилатлари билан кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Биз сизларнинг бундай олижаноб интилишларингизни юксак қадрлаймиз ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги фаол иштирокингиз учун барчангизга чуқур миннатдорлик билдираемиз.

Азиз дўстлар!

Жамиятимизнинг ажралмас бир қисми бўлган ногиронлиги бор фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, меҳнат ва турмуш шaroитларини яхшилаш мақсадида кейинги йилларда мамлакатимизда бир қатор қонунлар ҳамда 25 дан ортқ бошқа меъёрий-

ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мустақкам қонуний база яратилди. Бу эса мазкур тоифа вакилларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш, уларнинг билим олиши, меҳнат қилиши, малака-ли тиббий хизматлардан фойдаланиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариши, мухтасар айтганда, ўзлари жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис этишлари учун янада қўлай шaroитлар яратиш имконини бермоқда.

Бугун, бутун халқимизга муурожаат қилиб, сиз, азиз ватандошларимни бу йўналишда бошлаган хайрли ишларимизни фаол давом эттиришга чақирарман. Шу мақсадда, биз барча фуқаролар, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар учун бир хил имкониятлар амал қиладиган инклюзив жамиятни барпо этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширамиз. Шу асосда ногиронликни белгилашнинг аллақачон эскирган **тиббий моделидан** умумэътироф этилган **ижтимоий моделига** бошқичма-бошқич ўтишни ўз олдимиизга муҳим вазифа қилиб қўйганимиз.

Бундан буён бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, жамоат транспорти, ахборот ва алоқа восита-

ларини ишлаб чиқаришда ногиронлиги бўлган шахсларнинг улардан ҳеч бир монеликсиз фойдалана олишига бирламчи аҳамият қаратилади.

Ногиронлиги бор шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларидаги қамров ҳажмини 2 баробар ошириш, худудларда фаолият кўрсатётган 10 га яқин шундай марказларни кенгайтириш, замонавий тиббий ва реабилитация ускуналари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилади.

Ишонтариб айтманки, сизлар ўзларингизни ёлғиз ҳис этмаслигингиз, зарур билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, барча соҳа ва тармоқларда фаол иштирок этишингиз, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишингиз, маданий эҳтиёжларингизни таъминлашингиз учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга сийхат-саломамлиқ, тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт-саодат ва омад тилаб қолам.

Чуқур ҳурмат билан,

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

■ Бугун — Халқаро ногиронлар кунидан

ЭЗГУЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ, ИНСОНПАРВАРЛИК АЙЁМИ

Инсон қадрининг яна бир амалий ифодаси

Ўзбекистон давлат консерваториясида 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунидан муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда уюштирган тадбирда турли вазирилари ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунидан муносабати билан Ўзбекистон халқига муурожаатини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Президент Матбуот қотиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари муурожаатид

таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда инсон қадрли, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Бу жараёнда барча фуқароларимиз каби ногиронлиги бўлган юртдошларимизга эътибор ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1992 йил 14 октябрдаги резолюциясига мувофиқ, 3 декабрь санаси бугун дунёда Халқаро ногиронлар кунидан сифатида белгиланган.

Мамлакатимизда ҳам ушбу санага эзгулик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик айёми сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, имконияти чеklangан ҳамда ногиронлиги бўлган инсонларнинг оғирини енгил қилиш, кўнглини ва руҳини кўтариш, ҳаётга иштиёқини ошириш, эртанги кунга ишончини мустақкамлашга қаратилган турли тадбирлар ўтказилади.

Аслида, ёрдамга муҳтож кишиларга гамхўрлик кўрсатиш, уларга таянч ва сўянч бўлиш — халқимизнинг азалий қадрияти. Янгиланаётган Ўзбекистонда ана шу эзгу аънаналар ҳам шаклан, ҳам мазмунан янада бойиб, “Инсон қадрли учун” тамойилли асосида имконияти чеklangан фуқароларни қўллаб-

қувватлаш, улар учун зарур шaroитларни яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг сана муносабати билан халқимизга муурожаат йўллагани сўзимизнинг яна бир тасдиғидир.

Янги Ўзбекистонда инклюзив ривожланиш, яъни аҳолининг барча қатлами учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлардан бугун юртдошларимиз гоёта мамнун, эртанги кунга ишониб, орзу-мақсадлари рўёби йўлида изланиб, интилиб яшамокда. Бунинг билдирилган фикр-мулоҳазалардан яққол англаш мумкин.



[4-саҳфага қаранг.](#)

■ Акция

ХОТИН-ҚИЗЛАР — ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМГА ЛОЙИҚ

Аввал хабар берилганидек, Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш кунидан муносабати билан жаҳоннинг 187 та мамлакатидан “16 кун зўравонликсиз!” акцияси ўтказилмоқда. Ушбу акция юртимизда кенг миқёсда ташкил этилиб, нафақат масъул идоралар ходимлари, балки қўллаб-қўлағи вакиллари қамраб олинаётган.

Ана шундай тадбирлардан бири Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан Тошкент давлат шарқшунослик университетида уюштирилди.

“Хотин-қизлар — эътибор ва эҳтиромга доимо лойиқ!” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда сенатор Малика Қодиржонова, Ички ишлар вазирилик хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бўлим бошлиғи Умида Абдуллаева, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг давлат тўли бўйича маслаҳатчиси Одина Жамолдинова, “Ойла ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти бўлими бошлиғи Хуршида Сайидвалиева ва халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши депутаты, “Оқила аёллар” илми гуруҳи аъзоси Шоира Саиджаббор ва бошқалар мавзуга доир қизиқарли чиқишлари билан қатнашди.

Қайд этилганидек, гендер зўравонлик географик, ижтимоий ва иқтисодий чегара билмайди. Шу сабабли ҳам бугун дунёда унга қарши кенг кураш олиб бориляпти. Хусусан, мамлакатимизда аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, зўравонлик қурбонларини реабилитация қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг охириги йилларнинг ўзида 8 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, шундан 2 таси қонун эканлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу каби саъй-ҳаракатларга қарамадан ҳали-ҳамон ҳаётда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари учраб турибди. Аммо баъзи аёллар ўзлари билан содир бўлган зўравонлик ҳолатларини ошқор қилмаслигини афзал қўради. Бу эса мазкур йўналишдаги ишларни янада қучайтириши тақозо этади. Ўтказилаётган акциялар бу борада кўл келади, албатта.

Тадбир доирасида Тошкент давлат шарқшунослик университети қошида ташкил этилган “Шарқшунос лидер қизлар” клубининг тақдироти ўтказилди. Шунингдек, Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш кунидан муносабати билан университетда ўтказилган танлов натижалари эълон қилиниб, голиблар муносиб тақдирланди.

«Халқ сўзи».

ОДИЛ СУДЛОВ ВА СУД МУСТАҚИЛЛИГИ — ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мустақилигининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан янги Ўзбекистон дегаданда, ҳар бир фуқароси учун гамхўрлик қиладиган, очиқ ва адолатли жамият тушунилиши, ушбу юксак марраларга эришиш учун 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида кейинги ишларни 5 та асосий вазифа бўйича ташкил этиш лозимлигини таъкидлаганди.

■ Фикр

Бунда суд тизими мустақил бўлмаса, жамиятда ривожланиш бўлмаслиги, суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч хосил қилиши, янги Ўзбекистонда ҳар қандай бахсли масалаларга адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилгани, судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланиши, уларнинг ҳавотирсиз ишлаши учун барча зарур шaroитлар яратилиши асосий устувор вазифалардан бири сифатида белгилянди.

Ушбу нутқдан келиб чиқиб, бугунги кунга қадр амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг

лаштираш, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамиятини ошириш бўйича бир қатор муҳим ислохотлар амалга оширилди. Натижада турли таъбирлар остида олинган кўрсатмалардан далил сифатида фойдаланишга чек қўйилди. Суд ишларини кўриб чиқишда фақат суд тергов ишларида атрофича текширилган ва ўз тасдиғини топган далилларга асосланилмоқда.

Президентимиз нутқидан кенг қўламли вазифаларни амалга оширишда турли қийинчилик ва муаммолар пайдо қилиниши тиббий ҳол эканлиги, мард ва маътанли халқимиз ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишига қодирлиги, муаллиф ва ижодкори бўлган халқимиз янгиланаётган Конституцияимизнинг мустақкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилишига алоҳида ургу берди. Конституциявий ислохотлар амалга ошириляётган шу кунларда ўтказилган ҳар бир тадбирнинг мақсади, Асосий Қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалаштираш, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамиятини ошириш бўйича бир қатор муҳим ислохотлар амалга оширилди.



НОМОДДИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ ЯНА ИККИТА ЭЛЕМЕНТИ ЮНЕСКО РЕПРЕЗЕНТАТИВ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛИШИ

Бу ҳақдаги қарор Марокашда бўлиб ўтган Номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича Ҳуқуматлараро қўмита йиғилишида қабул қилинди.

■ Эътироф

28 ноябрь кун Марокаш давлатининг Работ шахрида Номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича Ҳуқуматлараро қўмитанинг 17-сессияси доирасида Ўзбекистон вакиллари иштирокида тақдим этилган икки элемент — “Ипакчилик ва тўқув учун аънавий ипак ишлаб чиқариш” ҳамда

ли биринчи файл тақдим этилди. Иккинчи номинация “Хўжа Насриддин ҳақидаги латифаларни такрорлаш аънавалари” деб номланган бўлиб, Ўзбекистон томони Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Туркия билан ҳамкорликда тайёрлаган.

Қўмитанинг баҳолаш комиссияси номзодлик ҳужжатларини тайёрлашда қатнашган давлатларнинг биргаликдаги фаолиятини юқори баҳолади ва уларнинг Репрезентатив рўйхатга киритиш учун барча мезонларга мувофиқлигини қайд этди.



«ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев “Яшил” иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тақдироти билан танишди.

Маълумки, ҳозирги замонда энергетика ва экология муаммолари долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис мамлакатимизда кўп қўш ва шомол электр станциялари қурилишда, иқтисодий тармоқларида энергиятежамкор технологиялар жорий қилинмоқда.

Бу йўналишни изчил давом эттириш мақсадида Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга оширишга оид давлат дастурида санат тармоқларида “яшил” иқтисодийга ўтиш ва энергия тежамкорлик дастурини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Тақдимотда мазкур давлатда кўзда тутиляётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берилди.

Қайд этилганидек, бу ҳужжатда санат тармоқларида “яшил” иқтисодийга ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш бўйича концепция белгиланади. Шу асосида 25 та стратегик аҳамиятга эга қорхонада қилгилги-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсади кўрсаткичлари тасдиқланади.

Бу орқали 2022—2026 йилларда санат тармоқларида 3,9 миллиард куб метр табиий газни, 4 миллиард киловатт/соат электр энергиясини ва 21 минг тонна нефть махсулотларини тежаш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир махсулот таннаҳида энергия улушини 20 фоизга камайтириш мақсад қилинган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2030 ЙИЛГАЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШИГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БҲИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодийга ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга ошириляётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларида фойдаланиш ҳамда иқтисодийнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қўйиладилар:
 - а) қўйидаги стратегик мақсадларга эришишга мўлжалланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодийга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ: иссиқхона газларининг ялпи ички махсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини **2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш**; қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини **15 ГВтга ошириш** ва уларнинг уллушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг **30 фоиздан кўпроғига етказиш**;
 - б) санат соҳасида энергия самарадорлигини **камида 20 фоизга ошириш**;
 - в) ялпи ички махсулот бирлигига тўғри келадиган энергия сарфи ҳажминини, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига **30 фоизга камайтириш**;

(Давоми 2-бетда).



Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар аввало, халқни рози қилиш, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Давлатимиз раҳбари ҳар доим "ислохотлар натижасини одамлар ўз ҳаётида, маҳалласида сезсин", деб талаб қўяди.

ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНМОҚДА?



Таъминоти учун симоёвчлар ўрнатилган ишларни кеңири қамраб олади. Маъжуд муаммоларни ҳал этиш ва қўлсизда тақорланишнинг олдинчи олим мақсадида тегишли ваколатли давлат органига лойиҳаларнинг танлов савдоларини ўз муддатларида ўтказиш чораларини кўриш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш юзасидан депутатлик сўрови юборилди.

Шу боис халқимизни ҳаётдан рози қилишнинг, юртимиз янги қўёғисини яратилишига энг самарали механизмларида бирига айланган улгурган "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида мамлакатимизнинг қўллаб қўллаш, маҳалла ва овуллардаги миллионлаб инсонлар ҳаётида тўб ўзгаришлар амалга оширилди.

Хусусан, маъжуд дастурлар доирасида жорий йилда Қашқадарё вилоятида 30 та маҳаллада жами 534,2 км. ичимлик сув тармоғи ва 26 та янги сув иншооти барпо этилаётгани таҳсинга сазовор. Ушбу чора-тадбирлар учун Давлат бюджетидан 113,3 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 150 мингдан ортиқ аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

Аммо 2022 йил ноябрь ойида 132-Чирочқи сайлов округида маъжуд дастурлар доирасида янги қишлоқ ва Мустақиллик маҳаллалиларида амалга оширилаётган ишлар юзасидан депутатлик назорати олиб борилганда, дастур ижроси тўлиқ бажарилмагани ҳақида хабар берилди. Хусусан, айрим сув таъминоти лойиҳаларининг танлов савдоларини ўз муддатиде ўтказилмагани қўрилди-таъмирлаш ишларининг қўйилишига сабаб бўлмоқда.

Бу эса ўз навбатида, дастурда белгиланган бошқа тадбирларни, жумладан, кўчаларга асфальт ётқизиш ёки электр

Ислом ХУШВАҚТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси.

ЖИЗЗАХДА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВАЗИФАСИ БАЖАРИЛМАЙ ҚОЛМОҚДА

Жиззах вилоятида учрашувлар, мулоқот тадбирлари ўтказилганда жуда кўп ижобий ишларга, ўзгаришларга гувоҳ бўлдик. Муружатлар ўрганиляпти, ижтимоий масалалар босқичма-босқич ҳал этиляпти. Лекин муаммолар, ечимини қутаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Таъкидлаш жоиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида жорий йилнинг 5 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши баёни ҳамда 16 июнь кунги "Аҳолига тез тиббий ёрдам қўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарориде тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва аҳолига янада яқинлаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

ЎҚУВЧИЛАР ҚАЧОНГАЧА ЛОЙ ВА ЧАНГ КЎЧАЛАРДАН МАКТАБГА ҚАТНАШАДИ?

Шу йилнинг 25 — 30 ноябрь кунлари халқ билан доимий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш мақсадида ўз сайлов округимизда бўлиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказдик.



Сайловчилар билан бу сафарги учрашувларимизда, асосан, аҳолининг кайфиятига салбий таъсир кўрсатган омиллар, уларни бартараф қилишнинг ўзига хос ечимлари юзасидан самимий мулоқотлар кўп бўлди.

Сўхбатларда кейинги йилларда худудларда аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга, улар билан яқиндан мулоқот қилишга қаратилган эътибор ортиб бораётганидан мамнун эканлигини билдирётганлар билан бир қаторда ҳали ечимини қутаётган масалалар ҳам талайгина эканлиги бўйича эътирозлар ҳам кайд этилди.

Таъжубки, Давлат бюджети маблағлари ажратилган бўлишига қарамай, айрим масъулларнинг ўз ишига нисбатан совуққон муносабати тўғрисида маблағлар ўринли ўзлаштирилмаган ёки қўзғабунчиликка йўл қўйилган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Масалан, Сардоба тумани маркази ҳисобланмиш Пахтаобод шаҳарчаси, Файлиобод маҳалласидаги Маърифат кўчасини 2022 йилда бетонлаштириш бўйича маблағлар ажратилган бўлишига қарамай, жойига бориб ўрганганимизга лой кўчаларга дуч келдик. Бундан ташқари,

кўчада на чирок бор ва на яроқли электр симини топа олдик. Шу кўчада яшайдиган Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси Холмўмин Шукуровдан ҳол-аҳвол сўраб, хонадонига ҳам кирдик. 90 ёшдан ошган устоз кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни эътироф этган ҳолда лойли кўчадан мактабга қатнайдиган ўқувчиларга ачинишини ва яқин истиқболда бу камчиликлар бартараф этилишига ишонч билдирди.

Аҳолининг халқ эътирозларига сабаб бўлаётган масалаларни ҳал қилиш юзасидан Сардоба туманига янги сайланган ҳоким А. Мирзаев билан сўхбат ўтказилди ва натижада йил якунига қадар худуддаги айрим муаммолар бартараф этиладигани бўлди. Тан олиш керак, учрашувлар давомида худудларда ютуқлар ва янгиликлар ҳам кам эмаслиги қўрилди. Хусусан, "Яшил макон" умумий лойиҳаси доирасида Сардоба туманида 20 мингга яқин кўчатлар экилиб, тўз-зорлар яратилмаганини кўрдик ва бу ишга ўз ҳиссамизни қўйишга ҳаракат қилдик.

Албатта, худудларда сайловчилар билан доимий мулоқот ўрнатиш, жойлардаги тизимли муаммоларни депутатлар томонидан аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган аҳолининг муносиб ҳаёт кечиришга замин яратад.

Надира ЖОНИБЕКОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.



Ўрлоз УЎРОЗБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси.

Янги филиалларнинг жойлашуви, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳамда тез тиббий ёрдам учун янги бино қуриш режалаштирилган. Аммо марказ вилоят худудий филиалнинг тез тиббий ёрдам ходимларини тўлиқ жойлаштириш, шароитларини яхшилаш, янги бино учун ер ажратиш, лойиҳалаш ишларини молиялаштириш ва қурилиши бошланмаган. Дастур асосида тез тиббий ёрдам бригадаларини планшетлар билан таъминлаш вазифаси Жиззах филиалида бажарилмай қолмоқда. Филиалда 57 та GPS-трекер олинган бўлса-да,

МУАММОЛАР ҲАМЖИХАТЛИКДА ҲАЛ ҚИЛИНЯПТИ

Бундан 30 йил муқаддам қайта ташкил этилган Навоий вилояти худудий жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикасидан кейин энг катта вилоят ҳисобланади. Худуднинг меҳнаткаш ва олижаноб одамлари нафақат бетақдор табиати, балки йилдан-йилга ривожланиб бораётган улкан саноат корхоналари билан ҳам ҳар қанча фахрланса арзийди.

Ноябрь ойининг сўнгги ҳафта-сурабида сайловчилар билан учрашув мақсадида вилоятга борганимизда аҳолининг ҳар қанчадан-да кўтаринки кайфиятига гувоҳ бўлдик. Аҳоли вакиллари мамлакатимиз Президентини вилоятга бу галги ташрифи давомида ҳам уларни ўйлантираётган масалаларга ечим бўла оладиган ташаббусларни илгари сургани, аниқ мақсад ва режалар белгиланган ҳақида тўлқинланиб сўзлашди.

Учрашувда вилоятда охириги йилларда эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда, ечимини қутаётган муаммолар ҳақида очик-ойдин сўз юритилгани, бу муаммоларнинг ҳал қилиш бўйича аниқ мақсадлар белгилангани навоийликларини ниҳоятда руҳлантириб юборгани чиндан-да катта воқеалик.

Дарҳақиқат, вилоят иқтисодиёти янада ривожлантириш учун катта заҳира ва имкониятлар бўла туриб, қишлоқ ҳўжа-лигида чорвачилик тармоғи тўла ишга солинмаётгани ёки ижтимоий соҳада ҳам аҳолини

қийнаётган масалалар борлиги таъминотида Қувонарлиси, муаммонини ҳамжамиятликда ҳал қилишга бўлган интилиш ҳам йўқ эмас. Аниқ мисолга тўхталсан, Ўтган йили сайловчилар билан учрашувлардан кейин ўзим сайланган худуд — Навоий вилоятининг Томди туманидаги 21-умумтаълим мактабининг авария ҳолатига тушиб қолгани масаласида тегишли вазирилик ҳамда вилоят ҳокимлигида депутатлик сўрови юборилган эди.

Депутатлик сўровидан сўнг масъулларимиз бу бинони капитал реконструкция қилиш учун маҳсус лойиҳа, смета-ҳаражатларини ишлаб чиқишди. Маҳаллий бюджетдан қарийб 3,5 миллиард сўм маблағ ажратилди натижасида қисқа вақт ичида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Қурилиш жараёнининг ҳар бир босқичидан хабар олиб, маъсۇللар ва аҳоли билан маслаҳатлашиш тўридик.

Яқинда 140 нафар ўқувчига мўлжаллаб қурилган замонвий мактаб биноси ва янги спорт



зали фойдаланишга топширилди. Собик 21-умумтаълим мактаби негизинда қад кўтарган 12-умумтаълим мактабининг янги, барча замонвий қулайликка эга, ёруғ, иссиқ, шинам синф хоналарида ўқувчилар хурсандчилиги, қолаверса, зўр иштиёқ билан ўқиниш бошлаб юборилди.

Томдиннинг чиройига чирой қўшган янги, замонвий мактабининг фойдаланишга топширилганига оз бўлса-да, ҳисса қўшганимиздан бугун ўзим ҳам мамнунман. Айни пайтда мактаб жамоаси, ўқитувчи ва ўқувчиларини, ота-оналарни қизгин қутлаган ҳолда янги мактаб томдлик ёш авлод вакиллари учун энг азиз масканга айланади, деб ишонамиз.

Ақшагул ТўЛЕГЕВОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеп фракцияси аъзоси.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга ҳизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституциясида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, халқнинг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниъатларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакатгина ўзи белгиланган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб интилади.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳуқуқий манбаси бўлган Бош қонимиз таъминотини асосда аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишда, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишида ва ҳаётимизнинг барча соҳасини либераллаштириш борасида бошланган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққёт стратегиясида ҳам Харақатлар стратегияси доирасида бошланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада

моатчилик муҳокамасидан ўтказилмоқда. Эътиборлиси, янгиланаётган Конституциянинг асосий муаллифи ва ижодкори тоғ манюда, Ўзбекистон халқи бўлаётгани кишини қувонтиради. Хусусан, бу жараёнда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида сенатор ва депутатлар, ҳуқуқ соҳаси экспертлари ҳамда жамоатчилик фаоллари томонидан республикамизнинг барча худудиде учрашув ва мулоқотлар ташкил этилиб, Конституцияимизга киритилиши қўзда тутилаётган ўзгаришлар юзасидан фуқароларнинг фикр ва тақлифлари тингланди. Эътиборлиси, концептуал тақлиф берган фуқаролар бевосита Конституциявий комиссия таъминотида Конституциявий комиссия бошчилигида фаолият олиб бораётган ишни гурӯҳ йиғилишларига тақлиф этилиб, ташаббуслари соҳа вакиллари ва экспертлар иштирокида қизгин муҳокама қилинди. Таъкидлаш жоиз, умумхалқ муҳока-

маси даврида фуқаролар томонидан 150 мингдан ортиқ тақлиф, фикр ва ташаббуслар келиб тушди. Айни кўчаларда Конституциявий комиссия ҳамда Олий Мажлис Қонунилик палатасининг қонун лойиҳасига масъул қўмиталари юрдошларимиз томонидан билдирилган тақлифларни Бош қонимизда акс эттириш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунилик палатасининг навбатдаги мажлисида фуқаролар томонидан берилган тақлифларнинг Конституцияга киритилиши жараёнининг дастлабки натижалари тақлиф қилинди. Ушбу ўзгаришга қўра, фуқаролар томонидан билдирилган тақлифлардан келиб чиққан ҳолда Конституциянинг 76 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар, шунингдек, Асосий Қонунга 15 та янги модда ва битта янги боб киритилмоқда.

Ялпи мажлис давомида халқ вакиллари томонидан ушбу ўзгаришлар қизгин муҳокама қилиниб, бугун мамлакатимизда инсон қадрини юксалтириш амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мезони бўлаётганлигиндан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, фуқаролар томонидан билдирилган ҳар бир тақлифни эътибордан четда қолдирмасдан қўриб чиқиш кераклиги ҳисобга олиниб, қонун лойиҳасини масъул қўмиталар бошчилигида қайта ишлаш зарурлиги ҳақидаги қарор қабул қилинди. Уйлаيمانки, бундай қарорнинг қабул қилиниши, Бош қонимизнинг чиннакам халқлик ҳужжат бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунилик палатаси депутати.

ЭНДИ ЕРЛАРИ АУКЦИОНГА ЧИҚАРИШ СОДАЛАШТИРИЛАДИ

"Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг янги тарихида энг катта воқеликлардан бири, десак, хато бўлмайди.

Муносабат

Маъжуд ҳужжат талаблари Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 14 февралдаги қарори билан изчил йўлга қўйилди. Натижада 2022 йил февраль — октябрь ойлариде тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун "Yerelektion" ахборот тизими орқали 48 мингга ер участкаси ақудани савдоларига чиқарилади. Юридик ва жисмоний шахслар фойдаланиб келаётган 5 мингга яқин ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича ижобий ҳулоса берилди. Шунга қарамай, амалдаги ишлар таҳлили бу тизимда айрим камчиликлар борлигини кўрсатди. Масалан, аукционга чиқариш тақлиф этилган 12 мингтадан зиёда участкалар қишлоқ ҳўжалиги ерларида ёки муҳофаза худудиде жойлашган аниқланган. Қолаверса, бу ер участкалари "Yerelektion" ахборот тизимига фақат қурилиш бўлимлари томонидан қилинаётган ишлар билан, ҳамма бу ерларни топшиш жараёни тўлиқ қамраб олинмаётган.

Шунингдек, бугунги кунда ерларни аукционга чиқариш босқичлари кўплиги ҳам амалда қийинчилик туғдирапти. Ҳозирда бу 13 та босқичдан иборат бўлиб, ижара ҳуқуқи билан ер олишда 48 иш куни, мулк ҳуқуқида 74 иш кунигача вақт кетмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ерларни аукцион орқали сотиши соддалаштиришга оид тақлифлар тақдими билан танишиш жараёнида айни масалаларга алоҳида тўхталиб, ерни аукционга чиқариш босқичларини 8 тага тўшириб, муддатларини тегишлича 16 ва 22 кунга кичиратиш бўйича мутасаддилар олдиға аниқ вазифалар қўйд.

Сир эмаски, айрим шаҳарчаларнинг бош бежаси йўқлиги ҳам жараёни секинлаштирипти. Бундай жойларда ерларни худудий архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши билан келишган ҳолда, мастер-режа асосида аукционга чиқарилиши айни муддао бўлди.

Ботирбек ТўРАЗОДА, Олий Мажлис Қонунилик палатаси депутати.

Анжуман МИНТАҚАВИЙ АЁЛЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

Куни кеча Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотиға тайёргарлик кўриш доирасида видеоконференцалоқ шаклида минтақавий аёллар конференцияси бўлиб ўтди.

Туркменистон раислигида ўтган тадбирда минтақа мамлакатлари етакчи аёллари, гендер тенглик масалалари бўйича масъул вакиллар, таъқидот ва таҳлил марказлари ходимлари иштирок этиди. Анжуманда қатнашчилар томонидан ўз мамлакатларида аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш, иқтисодиётда гендер тенглигини таъминлаш бўйича қабул қилинган дастурлар ҳамда чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Шунингдек, йиғилишда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришда иқтисодий сиёсат ҳамда минтақа мамлакатларида фуқаролик жамияти қуришда аёллар ўрнини кенгайтириш бўйича фикрлар билдирилди. Тадбирда тинчлик ўрнатишда хотин-қизларни бирлаштириш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлаш, ушбу йўналишда самарали ва маслаҳат дастурларини тақдим этиш каби масалалар ҳам кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Номоддий меросимизнинг яна иккита элементи ЮНЕСКО Репрезентатив рўяхатига киритилди

Тадбир давомидаги номинативлар тақдимида маданиятларни бойитиш, маҳаллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳурмат ва маданиятлар мулоқоти мустаҳкамлашдаги унсурларнинг тарихий ўрни ва аҳамиятини атрафчила очиб берувчи видеофильмлар намойиш этилди. Иштирокчилар ипақ етиштиришнинг аёнанавий технологиялари, кейинги йилларда Ўзбекистонда

ипакчиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишларга алоҳида эътибор қаратди. Аҳоли орасида машхур ва сеvimли фольклор қаҳрамони саналган Ҳўжа Насриддиннинг Бўҳоро шаҳрида қад ролтаган ноёб хайкали катта қизиқиш уйғотди. Шундай қилиб, Репрезентатив рўяхатга киритилган Ўзбекистон элементларининг умумий сонини 11 таға етди. Илгари бу рўяхатга

"Бахши", "Лазги", "Палов", "Асқари", "Миниатюра", "Наврўз", "Шошмақом" ва бошқалар киритилган эди. Атлас ва атраф тайёрлашнинг аёнанавий технологияларини саклаш бўйича Марғилон хўнармандчиликни ривожлантириш маркази Номоддий маданий мерос объектиларини авайлаб асраш бўйича етакчилар реестридан жой олган. Энди янги элементлар халқаро миқёсда бутун инсоният ме-

«Дунё» АА. Работ

ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШГА БАФИШЛАНДИ

Низомий номидаги Тошкент педагогика университети талабалари учун "Хотин-қизлар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъқидот ва зўравонликдан ҳимоя қилиш" мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.

Давра сўхбати

Унда Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Гулнора Маъруфова, ички ишлар органлари вакиллари, Тошкент шаҳар Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази психологлари, университет ўқитувчилари ҳамда талабалар қатнашди. Тадбирда сўзга чиққан сенатор Г. Маъруфова таъқидлаб ўтганидек, кейинги йилларда юрти-

мизда гендер тенгликни таъминлаш борасида дадил қадамлар ташланди. Хусусан, бу соҳанинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларни таъқидот ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидан бўлиб, айни чоғда улар опа-сингилларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоялаш ҳамда жамият ҳаётида гендер тенгликни таъминлашда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўз навбатида, тадбирда мутахассислар томонидан ҳимоя ордерлари таъқидот ўтказган, зўравонлик содир этган шахс ва жабранлувчи ўртакдаги мулоқоти чеклаш, бир хонада бирга бўлишни таққиқлаш, етказилган маънавий зарар ва аёлнинг даволаниш, маслаҳат олиш, махсус парваришлар марказларига жойлаштириш харажатларини қоплаш мажбуриятини юклани алоҳида айтиб ўтилди. Шунингдек, давра сўхбати доирасида Тошкент шаҳар ва туманларда аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари психологлари жинсий, руҳий, жисмоний ва иқтисодий зўравонлик ҳолатлари ҳақида тушунчалар бериб, талаба қизлар ҳамда профессор-ўқитувчилар иштирокида психологик тренинглар ўтказди.

«Халқ сўзи».

ЭЗГУЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ, ИНСОНПАРВАРЛИК АЙЁМИ



Инсон қадрининг яна бир амалий ифодаси

Бугун мамлакатимизда жамиятнинг ҳар бир аъзоси билим олиш, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш, ўз истеъдод ва қобилиятини рўйбга чиқариш, меҳнат билан банд бўлиш учун зарур имкониятларга эга. Жумладан, инклюзив таълим ривожлантирилди. Президентимиз ташаббуси асосида юртимизнинг барча ҳудудидagi ихтисослаштирилган муассасалар, Саҳоват, Мурувват уйлари, шифоналлар, тиббий-реабилитация марказлари, сиқатгоҳлар тубдан реконструкция қилинмоқда. Тиббий-реабилитация оид илгор инновация технологияларни жорий этиш, ногиронлиқнинг асосатларини камайтириш, фуқароларни соғломлаштириш бўйича янги методлар, технологиялар амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Юртимизда ижтимоий ҳимоянинг ноб тизими — "темир дафтэр", "аёллар дафтэри" ва "ёшлар дафтэри" кўплаб эҳтиёжман инсонлар қатори имконияти чекланган шахсларнинг ҳам муаммоларини ҳал қилиш, уларга аниқ, мақсадли, манзилли тарзда кўмак кўрсатиш, жамиятда ўз ўринларини топишларида кўплаб-қувватлаш шароити яратяптир.

Давлатимиз раҳбарининг сана муносабати билан йўлларда мурожаати алоҳида эҳтиёжли ҳамюртларимизга меҳр-эътибор кўрсатишнинг янги ўқларини, галдаги долзарб ва-

зибаларни кўрсатиб бергани билан аҳамиятлидир. Бу жиҳатлар ногиронлиқни белгилашнинг эскирган тиббий моделидан умумэтироф этилган ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш, эндиликда бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, жамоат транспорти, ахборот ва алоқа воситаларини ишлаб чиқаришда ногиронлиги бўлган шахсларнинг улардан ҳеч бир монеликсиз фойдалана олишига бирламчи аҳамият қаратиш каби кечиктириб бўлмас ҳаётий масалалар билан чамбарчас боғлиқдир.

Айни пайтда ногиронлиги бор шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларидаги қармоқ ҳажмини икки баробар ошириш, ҳудудларда фаолият кўрсатяётган ўнга яқин шундай марказларни кенгайтириб, замонавий тиббий ва реабилитация ускуналари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Энг муҳими, бундай инсонларнинг ўзларини ёлғиз ҳис қилмаслиги, зарур билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, барча соҳа ва тармоқларда фаол қатнашиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, маданий эҳтиёжларини таъминлаши учун бор куч-имкониятлар сафарбар этилади. Тадбирда санъат усталари ва ижрочилар иштирокида катта концерт дастури намойиш қилинди.

Дилшод **КАРИМОВ**
«Халқ сўзи».

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Комил АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси:



— Ҳар бир инсонга меҳрли, бағрикенг ва оқибатли бўлиш ҳалқимизнинг миллий менталитети га айланган. Бугун мамлакатимизда ногиронлиги бўлган инсонларга кўрсатилаётган эътибор ҳамда ғамхўрликлар бу борадаги эзгу фазилатлар янги суръат ва сийрат билан бойигандан далолат.

Дунёнинг турли минтақаларида нотинчлик кезаятган, одамлар кўзида ёш билан эртасидан эртасидан бўлиб қолган юртимизда инсон қадрини улуғлаш қаратилган кенг кўламли ишлар амалга ошириляётгани барчамизнинг бахтимиздир.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича имкониятлар ҳамда ҳуқуқий қарорлар яратилган.

Конституцияимизнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республика-

сида барча фуқаролар бир ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақевидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Кейинги йилларда "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Қонун қабул қилинган, мамлакатимиз Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилгани соҳада мустаҳкам қонуний база яратилганини намойен этди.

Бугун ногиронлиги бўлган инсонлар — жамиятнинг тўлақонли аъзолари, деган тамойилга амал қилган ҳолда изчил ишлар олиб

борилаяпти. Президентимизнинг шу йил 12 октябрдаги "Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишли ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори бу борадаги ишларни янги сифат босқичига кўтарди. Ушбу ҳужжат асосида имконияти чекланган инсонларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларига қаршилик юридик шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими шакллантирилмоқда.

Ана шундай эзгу ишлар жараёнида ташкилотимиз ҳам мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларга тенг имкониятлар яратиш, жамиятда ўз ўринларини топишлари учун шарт-шароитлар хошланиш, уларни баҳолли қудрат меҳнатга жалб этиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қатор ихтимоий масалаларда янада фаол қатнашавери.

РУҲИЙ БАРДАМЛИК ВА ЖАСОРАТ ТАНТАНАСИ

Мухторхон ТОШХУҲАЕВ,
Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси раиси:



— Мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, реабилитация, сиёсий-ижтимоий ҳаётда иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқлари таъминланмоқда. Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар — "муаммоси бор инсонлар" деган қарашдан воз кечилди. Бундан ташқари, барча даражадаги давлат идораларига имконияти чекланган фуқароларни улар учун мос келадиган ишга қабул қилишда устулик ва имтиёз берилмоқда.

Яратилган имкониятлардан руҳланиб яшаётган юрдошларимиз эса турли соҳаларда зўр иштиёқ билан меҳнат қилмоқда, ўз ихтидорини намойен этмоқда.

Бу ҳақда гап кетганда, қўллаб-қувватлаш бўлиб йитгит-қизларимизнинг жаҳон майдонларида юқори натижаларни кўлга кириатиб, Ватанимиз байроғини баланд кўта-

раётганларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Ж у м л а д а н , ўтган йили Тоқиода ўтказилган Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон вакиллари 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медални кўлга киритди. Бу йил Туркияда ўтказилган Ислон бирдамлик ўйинларида ҳам паралимпиячиларимиз юксак марраларни забт этишди.

Айтиш мумкин бўлса, бу ютуқларнинг биргина сирли бор: мамлакатимизда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда эмаслиги! Бу барча муваффақиятларга замин бўлмоқда. Шу боис имконияти чекланган инсонларнинг юртимиз ва жаҳон ареналаридаги ғалабаларини руҳий бардамлик, буқилмас ирода ва матонат тантанаси десак, муболага эмас.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — ЭНГ КАТТА САОДАТ

Гулжаной НАИМОВА,
Токио Паралимпия ўйинлари голиби, жаҳон чемпиони:

— Ҳеч бир галаба ўз-ўзидан кўлга киритилмайди. Бунинг учун, аввало, шароит ва имконият керак.

Биласизми, бир вақтлар етиб бўлмасдек туолган катта орзуларим бугун рўйбга чикмоқда. Паралимпия ўйинлари, жаҳон чемпионати, шунингдек,

бир қатор нуфузли мусобақаларда шоҳсолтаннинг юқори поновасидан жой олиб ҳалқимиз, Президентимиз ишончини оқлаганлигимдан хурсандман.

Давлатимиз раҳбари билан Токиода ўтган Паралимпия ўйинларида келгини учрашувда у кишининг "Жасоратли, матонатли фарзандларим сизларга таълим берган ота-оналарингизга раҳмат!" деган сўзларини эшитиб, қалбимда мамнуният ва меҳр жўш урди.

Озгина саъй-ҳаракатимизни ишга солиш, билдирилган ишонч ва эътиборни оқлаш доимий вазифамиз, деб биламан. Имконияти чекланган инсонлар бўлса-да, бизнинг ҳеч қимдан кам жойимиз йўқ. Олий таълим масканларида ўқиб билан бирга машгулот жараёни учун барча қулайликка эга спорт заллари, тажрибаимизни ошириб бориш учун халқаро йиғинлар ва мусобақаларда қатнашяғимиз.



Бунинг учун бизни қўллаб-қувватлаб келаятган инсонларга чексиз миннатдорлигимни изхор этаман.

САБРГА СУЯНИБ КАМ БЎЛМАДИМ

Илхом ОРИПОВ,
"Жасорат" медали соҳиби (Жондор тумани):

— Қўл-юзи чилар оиласида туғилганман. Ота-онам Жондор туманининг Демун қишлоғидаги мактабда муаллимлик қилган. Отанимнинг "Ўғлим, одамзоднинг боши тошдан. У сув келса, симириб, тош келса, кам бўлади" деган сўзлари кечачидек ёдимда. Бу беҳиз айтилмаган, албатта.

Гап шундаки, жисмоний нуқсон билан туғилганман. Менга тенгдошларим каби болалик гаштини суриш, елиб-югуриш насиб этмади. Тўрт-беш ёшлардаёқ тўшаққа миҳлианиб қолдим. Лексин оиламиздагилар, қишлоқдошларим, дўстларимнинг қўллаб-қувватлаши туғайли рухан тушқунликка тушмадим. Ногирон бўлишимга қарамай, 21 ёшда таълим-қўллаб-қувватлаш бўлишга қарамай, яшашдан орозу қилишдан, бахтли бўлиш учун иштиракчи бўлишдан асло тўхтамайдим. Бизнинг қорхонамиз ана шундай ногиронлиги бўлган ўғлига яқин инсонлар учун қадрдон масканга айланган. Давлатимиз раҳбарининг қарорига биноан 2022 йил 1 январдан бошлаб Бандликка



хизмат кўрсатаман. Бундан ўзим ҳам роҳатланаман. Сабрга суняиб, яхши қунар улуми билан яшаб кам бўлмайди. Ўз орасида болалик бор. "Уста Илхом" деб мени етти махалла танийди. Меҳнатларини ҳуқуқимиз ҳам эътироф этиди. Президентимиз Фармонига мувофиқ "Жасорат" медалини олдим. Айтмоқчи, бундан чамаси уч ойча муқаддам вилоятимиз ҳокими бошчилигидаги масъуллар уйларида келиб, ҳол-аҳвол суради. Энг сўнги рушудаги тикув машинасини совға қилди. Қувончдан бошим кўкка етди. Давлатимизнинг биз, ногиронлиги борларга кўрсатяётган бу каби эътиборини, ғамхўрлигини кўриб, қўлгидимда шукроналик ҳиссини туйман. Савобталаб инсонлар қаҳига дуо қиламан.

ҒОЙИБДАН КЕЛАЖАК БАХТ БИР АФСОНА...

Зебо АЗИБОВЕВА,
"Жасорат" медал соҳиби (Чортоқ тумани):
— Орзу-интилишлар инсоннинг қаноти, уни ҳаракатга келтириш ҳар қимнинг ўз қўлида. Айна бағоят ёшмида қаттиқ ҳасталик ортидан чап оёғимдан айрилдим. Тушқунликка тушиб қолдим. "Бўлди, энди ҳаммаси тугади", деб ўйлагандим. Лексин юрагимнинг четида "Ҳаёт учун кураш, Зебо!" дея бир илнж ҳайқирарди.

Кесилган оёғим ўрнига протез қўйишганидан сўнг тикув машинасини энг яқин ҳам-

роҳимга айланди. Ёнимга маҳалладош дўгоналарим қўшилди. Уйимизда ажратиб берилган иккита хонада қирққа яқин қизлар билан бирга биринчи чиройли либослар тикиб, бозорга чиқардик. Бу орада Фарғонада ногиронлар билим юртида ўқиб, зардушлик санъатини ҳам ўзлаштирдим.

Табиати шунчаки, бир маррани эгалладимми, навбатдагисига уринаман. Тикувчилик билан қиёфоянлиб қолмай, болалар богчаси ташкил қилишга тушганим ҳам шундан. Ма-

ҳалламизда фойдаланилмай турган бинони сураганим, "дор" қийматда беришди. Наров таъмирдан чиқариб, давлат-хусусий шериклик асосида 150 нафар кичкинтойни қабул қилдик. 25 нафар хотинки иш билан таъминланди. Болаларга инглиз, рус тилларини ўргатяғимиз.

Изга тушган ҳаётим, бизнесимга кўпчилик ҳавас билан қарашини сезиб ораман. "Тўрт мучаси соғлар юрибди боқиманда бўлиб, бу эса сира тинмайди-я", деган одамлар эътирофи кучимга куч қўшади. Зеро,



академик шоиримиз айтганидек, тақдирин кўл билан яратур одам, ғойибдан келажак бахт бир афсона.

МАТОНАТЛИ ПАРАЛИМПИАЧ ИЛЧИЛАРИМИЗГА



Сизларда бор кучи матонат, Она юртга чексиз садоқат, Омадингиз тилаймиз фақат, Лол қолдириб бутун жаҳонни, Фарзандисиз Ўзбекистонни!

Кўзларингиз бўласизда нам, Ҳеч қимдан сиз, эмасдирсиз кам, Эъзуликлар сизда мужассам, Лол қолдириб бутун жаҳонни, Фарзандисиз Ўзбекистонни!

Яратганга шукр қиласиз, Юртга медаль олиб келасиз, Юртимизнинг фахри бўласиз, Лол қолдириб бутун жаҳонни, Фарзандисиз Ўзбекистонни!

Она Ватан доим сиз билан, Сиз қайтасиз ёруғ юз билан, Битолмайди, меҳрим сўз билан, Лол қолдириб бутун жаҳонни, Фарзандисиз Ўзбекистонни!

Марҳаба КАРИМОВА.

МЕҲНАТ ҚИЛИБ ТОПГАННИНГ — ҚАНДУ АСАЛ ТОТГАННИНГ

Ўлмасжон ЖУМАЕВ
(Бувайда тумани):

— Айтишларича, гўдаклик чоғимда қаттиқ қўйишдан олган жароҳатим туғайли оёқларимни кесилган экан. Дастлабки таълимни ва ҳаёт сабақларини уйда, оилам бағрида олдим. Кейинчалик протез оёқда яшашга қўйнидим.

Халқимиз беҳиз "Меҳнат қилиб топганинг — қанду асал топганинг", демайди. Ховлимизда мўжазгина бог бор. Иссиқхонада эртаги боднинг ва помидор етиштираман. Томорқа четида асалари боқаман. Дехқончиликдан олган даромад эвазига яқинда уч бош қорамол сотиб олдик. Оиламиз эҳтиёжи учун бозордан ҳеч нарсая харид қилмаймиз.

Жисман кеттиклигим бўлса-да, ҳаётнинг катта ва жўшқин оқимидан четда тур-



кишига қирқ хунар оз. Дехқончиликдан ташқари қосибчилик қиламан. Фарғона шарафида махсус касб-хунар коллежиде ўқиб, телерадио жижозларига техник хизмат кўрсатиш мутахассислиги дипло-

масликка интиланман. Томорқада етиштирилган махсулотларни даромадимга сотиб олган қулай т е х н и к а да яқин-ўртадаги б о з о р л а р д а сотаман.

Ота-боболаримиз айтганидек, йиғит дидим, руҳиятида кеттиклик бўлмасин. Орзу, мақсад ва ҳавас билан яшаш иштиёқини йўқотиб қўймайсан. Менга ҳаёт синовлари билан курашиб, бировдан кам бўлмай умр кечириш учун мадад бераётган куч ҳам аслида орзу-мақсадларимдир.

мини олдим. Кейинчалик қўшимча курсларда ўқиш орқали компьютер оператори мутахассислигини эгалладим.

Дехқончиликдан бўш вақтимда ҳамқичлоқларимнинг бузилган машийи техникаларини таъмирлайман. Буойроқ асосида компьютер хизматлари кўрсатиб, таълим муассасалари ўқувчиларига, талабаларга ёрдам бераман. Қишда қосибчилик хунари оиламиз тирикчилиги учун бақор келайди.

Ногиронлик — бу синов, аммо кимларнингдир ёрдамини умидвор бўлиб яшаш учун сабаб эмас. Муҳими, инсоннинг қалбида, руҳиятида кеттиклик бўлмасин. Орзу, мақсад ва ҳавас билан яшаш иштиёқини йўқотиб қўймайсан. Менга ҳаёт синовлари билан курашиб, бировдан кам бўлмай умр кечириш учун мадад бераётган куч ҳам аслида орзу-мақсадларимдир.

ОДАМЛАРГА ФОЙДАМ ТЕГСА, КУЧ ОЛАМАН

Мақсудбек ЭРИМОВ,
"Жасорат" медал соҳиби (Хонқа тумани):



— Бопалигимдан машийи техника буюмларини таъмирлашга қизиқаман. Буни кўрган раҳматли отам мени туманимизда ном қозонган уста Мирза Жуманиёвнинг шогирдиликка берди. Устозимдан оқ фотиҳа олиб, мустақил иш бошлаганим қарийб 35 йил бўлди. Муъжазгина устахонада йиллар мобайнида элнинг хизматини қилиб, кам бўлмайдим.

Турмуш ўртоғим ҳам мен каби имконияти чекланган бўлса-да, эр-хотин биргалликда рўзгорини бут, уй-жойни обод қилдик. Бир ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказдик. Қўлимдаги хунарим туғайли "Кўндал нафақа олиб келишаркин?" деб эшик пойламадим. Устахонадан қишини-ёзин одам аримайди, биров иш ўрганган, биров ҳол-аҳвол сураб, бирров суҳбатлашгани киряди. Бундан кўнглим тоғдек кўтарилади, одамларга нафим тегаятгани-

дан хурсанд бўламан. Ушлаб шогирдларим ҳам менга камарбаста бўлиб, эл хизматида. 2019 йилда Президентимиз камтарона меҳнатимни юксак баҳолаб, "Жасорат" медал билан тақдирлади. Бу эътибор мендаги кучни, умид ва ишончини янада мустаҳкамлади.

Ўз ҳаётим мисолида айтишим мумкинки, нон-туз берган, бағрида камолга етказган она юртга, яхши-ёмон кунининда ёнида турган элга хизмат қилиш учун изланган инсон, жисмоний имконияти чекланган бўлса ҳам, албатта, имкон топади.

ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ ФАҚАТ ЯХШИЛИКДИР

Дилафрўз КАРИМОВА,
"Сумайя" унитар қорхонаси раҳбари (Термиз шаҳри):

— Аслида, бу дунёда ҳар бир инсон бахтли яшашга интилади ва бу йўлда тиним билмай ҳаракат қилади. Аммо тақдир азал айримларни мураккаб синовларга тўртқ қилиши ҳам бор гап. Тўрт мучаси соғлом бўлса-да, ҳаётнинг арзимас синовларига дош бера олмайдиганлар қанча?! Аммо орамизда шундай матонат эгалари борки, имконияти чекланган бўлишига қарамай, яшашдан орозу қилишдан, бахтли бўлиш учун иштиракчи бўлишдан асло тўхтамайдим. Бизнинг қорхонамиз ана шундай ногиронлиги бўлган ўғлига яқин инсонлар учун қадрдон масканга айланган.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига биноан 2022 йил 1 январдан бошлаб Бандликка

ниятнинг юзага келиши ногиронлиги бўлганлар учун иш ўринлари очилди қўл келмоқда. Хозирда қорхонамизда ногиронлиги бўлган шахслар учун барча шарт-шароит яратилган бўлиб, Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан уларнинг соғлиқ доимий назоратга олинган. Энг муҳими, бошқа ҳудудлардан келган ишчилар учун ётоқхона ҳам ташкил этганми. Фаолиятимизни яна кенгайтириш мақсадида вилоятнинг Музаброт ҳамда Денув туманларида қорхона филиалларини очиб, яна 20 нафар ногиронлиги бўлган шахс ишга жалб қилинди.

Қорхонамиз ишчи-ҳодимлари орасида "Жасорат" медалини олган Фотима Акбарова,



қўмаклашиш давлат ҳамгармаси маблағлари хисобидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш бевуқчиларга ҳам бир ходим учун б ой давомида ҳар ойла базававий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари даражасида субсидия берилиши, қолаверса, солиқ соҳасидаги тегишли имтиёзлар фаолиятимизни янада ривожлантиришга туртки берди. Қорхонамизда тайёrlанаётган тикув махсулотлари реализацияси учун қулай имко-

Гулмира Азизова сингари ҳаётда ҳам, жамиятда ҳам муносиб ўрин топиб, ютуқларга эришяётган сафдошларимни кўрганимда, ич-ичимдан қувонаман. Ўзгаларга кўмак бериш, эзгулик улашиш мақсадида маслаҳатга айланганидан, тўғри йўлда эканимдан шукроналик ҳиссини туйман. Зеро, муқаддас ичтибларда айтилгандек, "Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир".

Ибрat

МАЖРУХ ТАИ ИЧРА ҚАЙНАГАН ИЛҲОМ

Менинг мажруҳ таним ичра қайнаб турган жондир Ватан, Ичар сувиш, босган изим, бошим узра осондир Ватан!

Ушбу сатрлар Навоий вилотяннинг Нурота туманидаги Мурувват ногиронлиги бўлган эркаклар уйда яшашган Шоди Ражабовнинг қаламига мансуб. Шоди асли қашқадарлик, 1999 йили Чироқчи туманидаги Уйшун кишлоғига туғилган. Қарши шахридаги болаларга мўлжалланган Мурувват интернатда болаларнинг таълими ола-ган, оиласи бағрига қайтади. 2011 йилда отаси вафот этган, онасининг ногиронлиги бор фарзанди парваришига қўли каттал-лик қилиб, уни Нуротадаги Мурувват уйига олиб келади.

— Шоди очкичасига ўзининг ногиронлигини оғринмайди, тақдирдан маломат ҳам қилмайди, — дейди муассаса директори Шуҳрат Норов. — Ақ-синча, ёнидагиларга, ҳатто биз-га далда бериб, қаноатли бўлишга ундайди. Албатта, ўз уйини соғинади. Шундай кез-лар унга машина ажратиб, уйига бориб келишини ташкил этади. Бир олам қувонч, илҳом билан қайтади.

Шоди кўнда қалам тутиб ёзулмайди. Шу сабаб Мурув-ват интернат уйи ҳомиляри-томонидан унга планшет ва мобиль телефон ажратилган.

Утган йили Навоий вилотия ҳокимлиги ташаббуси билан Шоди Ражабовнинг “Еруғлик сари” шеърый тўплами нашр этилди. Машқлари, эҳтимол, камчиликлардан холи эмасдир. Лекин муаллимнинг бор-йўғи тўрт синф маълумотига эгалли-гини инобатга олак, инсон интилишининг неларга қодир-лигига амин бўлади.

— Шеърларим кўпроқ маъ-нун туғилиши мумкин, — дейди Шоди Ражабов. — Аслида унга қайси томондан туриб қарашга боғлиқ. Шахсан мен уларни иб-рат деб тушунишни истай-ман. Ҳаётда ҳар бир кишининг яхши бошқалар учун ибрat бўлиши керак.

Ҳаммамиз ҳам бўламинг мехмони, Бу дунёдир синавларнинг майдони, Ногиронлик

Аллоҳнинг имтиҳони, Кўз ёшин артиб қўйиш, йиғлаб келганда.

Тамур ШОБЕВ («Халқ сўзи»)

ШУКРОНАЛИК МЕВАСИ

Болалигини ногиронлигим бўлса-да, яқиндан бир фарзанд ота-онасига қиладиган иззат-эҳтирмоним мен ҳам адо этдим. Узим топган маблаг ҳисобига онамни Умра зияратига олиб бордим. Бу муқаддас сафардан сўнг қалбимда шукроналик туй-ғуси, ўзимга ишонч янада ор-тди. Иш фаолиятини кенгайтири-риб, яна қўлаб шоғирлар тай-ёрлашни мақсад қилдим.

Гулистон шаҳрида компьютер хизмати кўрсатиш билан шугулланаман. Ушбу соҳани яўлланганда Гулистон давлат университетидаги академик ли-цейида компьютер технология-лари бўйича сабоқ берган ус-тусларим менга астойдил ёрдам кўрсатишган. Ҳозир ўзим ҳам устозман. Шу вақтдача унга яқин шоғирларимга касбим сирларини ўргатдим. Уларнинг ҳар бири эндиликда яқин йўна-лишда фаолият олиб борапти.

Ҳозир бир ишининг боши-ни тутмоқчи бўлганга имкони-ятлар кўп. Жумладан, ногирон-лиги борлар учун яратилган ша-роит ва имтиёзлар учун ҳар қанча миннатдорлик билдир-сақ, арзийди. Фақат аниқ мақсадни белгилаб, тинмай изланиб-ин-тилинса, бас. Шундай йўл ту-рган бори, иши юришади, унга ҳам, ўзгаларга ҳам фойда кел-тирадиган бўлади.

Шукри, ўзим ана шундай бахтга эришдим. Севимли ишим, бахтиёр оилам, ўғил-қизим бор.

Орзуим фарзандларимни ҳам хаёс қилулик инсонлар, танлаган касбларнинг етук му-таҳассиллари қилиб вояга ет-казиш. Албатта, ахборот тех-нологиялари бўйича чуқур би-лимга эга бўлишларини ҳам ис-тайман. Умуман, ўсиб келаёт-ган ёш авлоднинг ҳозирги ах-борот асрида компьютер савод-хонлиги ва ахборот техноло-гиялари бўйича қанчалик кўп билим ва кўникмага эга бўли-ши тараққиётимизнинг эртанги куни бўлунгудан-да жадал бўли-шини таъминлайди. Ва бу бо-рада ўзим ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўлишда давом этаман.

Сайфиддин БЕКТЕММОВ, тадбиркор. Гулистон шаҳри



Бугун дунё миқёсда тенгсизлик, қашшоқликнинг тобора кенгайиб бораётгани, айниқса, коронавирус пандемияси ва ундан кейинги глобал сиёсий-иқтисодий майдондаги нобарқарорликлар таъсирида иқтисодий инқирознинг чуқурлашаётгани, гендер ва этник тенгсизлик, глобал иқлим ўзгаришлари ва нотекис, мувозанатсиз ўсишдаги жиддий муаммолар замонамиз олдига долзарб вазифаларни қўймоқда.

Бу борадаги масалаларга инклюзив ёндашув, инклюзив иқтисодий ўсиш, инклюзив бозор иқтисодиёти самарали ечимдир. Инклюзив иқтисодиёт — бу иқтисодий фаол инклюзив субъектларни ҳам ҳусусий субъектив, ҳам глобал объектив даражада бирдек жалб қилишнинг динамик ва босқичма-босқич жараёни. Мазкур жараён давлат ва ҳўжалик субъектлари томонидан икки хил ёндашувга кўра амалга оширилади: биринчидан, инклюзив меҳнат ва бандликни ошириш мақсадида. Масалан, корхона ўз ишчи-ҳодимларининг хилма-хил бўлишини таъминлашга интилиши ва меҳнат бозорига кенг имкониятларга эга бўлмаган ҳодимларни меҳнатга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиши мумкин.

Нуктаи назар

Иккинчидан, инклюзив бозорда тарғиботи кенгайтириш ва ривожлантириш асосида.

Яъни корхона қашшоқлик чегарасидан паст бўлганларнинг асосий эҳтиёжларини таъминлаш орқали инклюзивликни тарғиб қилади. Бу орқали иқтисодиётда инклюзив-ликни оширишга ҳисса қўлиши билан бирга бошқаларнинг ҳам унда фаол иштирок эти-шини таъминлашга алоҳида аҳамият бери-лади. Пировадига инклюзив бозорнинг ривожланиши ва жамиятда иқтимоий тенг-лик, фаровонликнинг янада юксалишига эришилади.

Финляндия: ҳамма бир киши учун — бир киши ҳамма учун

Финляндияда тараққиётнинг асоси ма-лакали кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ. Шу асосда инклюзив таълим ҳам сўнги йигирма йил давомида изчил ривожлан-иб бормоқда. 2008 йилда мамлакат таълим муассасаларида инклюзивлик тамойилла-рини кўлаш сиёсати қабул қилинди. Унга кўра, барча болалар ўз қобилиятига муво-фиқ таълим оlishи мумкин.

Харақати чекланган ўқувчиларга ёрдам-чи, эшитишда нуқсони бўлган талабаларга сурдо-таржимон берилади. Ҳар бир умумтаълим таянч мактабининг ҳодимла-рида махсус ўқитувчилар ва уларнинг ёрдамчилари, иқтимоий ҳодимлар ва ҳам-ширалар мавжуд. Болани ўқитишдаги му-аммолар, нафақат иқтимоий ўқитувчи то-монидан, балки мактабнинг бутун педаго-гик жамоаси томонидан ҳал қилинади, жа-моавий ёндашув ва биргаликда ўқитиш қўланилади.

Мамлакатнинг умумтаълим мактабида тахсил олаётган ҳар қандай бола 2010 йили қоидалари мустаҳкамланган қўлаб-қувват-лашнинг учта туридан (даражасидан) бири-ни танлаш ҳуқуқига эга.

Биринчи даража — синф ўқитувчиси то-монидан кўрсатиладиган умумий ёрдам. Бу ҳар қандай бола, масалан, касалликдан кей-ин дўч келиши мумкин бўлган турли хил ўрганиш қийинчиликларини енгишга ёрдам беради. Ҳаётини ота-оналар ва мактаб му-таҳассислари билан муаммоларини муҳо-кам қилади, шундан сўнг у ўқувчи билан қўшимча ишлайди, унинг мактаб ўқув да-стурини ўзлаштиришдаги камчиликларини бартараф этишга ҳаракат қилади. Агар ум-вий ёрдам етарли бўлмаса, иккинчи дара-жали ёрдамга мурожаат қилинади.

Иккинчи даража — интенсив қўлаб-қув-ватлаш. Унинг зарурлиги тўғрисида қарор кўп тармоқли жамоа томонидан қабул қили-нади. Иш махсус ўқитувчи, иқтимоий хо-дим, ўқитувчининг ёрдамчиси билан бир-галикда амалга оширилганда интенсив қўлаб-қувватлаш стипендиядан фойдала-ниш билан амалга оширилади. Ҳудудий ўқув ин-дивидуал ўқув режаси тўзилади.

Ушбу даражадаги қўлаб-қувватлашнинг мақсади дастурни бошқаришга ёрдам бе-риш ва муваффақиятсизликнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишдир. Агар бо-ланинг муаммолари олти ой ичнда ҳал этилса, у биринчи даражали ёрдамга ўт-қазилиши мумкин, ақс ҳолда, учинчи дара-жага кўмақ зарур бўлганлар сафига ўтади.

Учинчи даража — бу махсус ёрдам. Бо-лани ушбу даражага ўтказиш тўғрисидаги қарор Таълим қўмитасининг комиссияси то-монидан ўтказиладиган тиббий-психологик экспертиза натижаларига кўра қабул қили-нади. Учинчи босқичда бола 8 — 10 киши-дан иборат махсус синфда ўқитилади, у билан махсус ўқитувчи ишлайди.

Беш ёшда, ҳатто мактабгача даврда, бар-ча болалар психологик-педагогик текши-рувдан ўтади, бу уларнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини очиб беради. Унинг натижа-ларига кўра, мактабга болага қайси дара-жадаги ёрдам кўрсатилиши аниқланади. Шу билан бирга, мактаб маълумоти қайси бо-ларга биринчи синфга келишини олдиндан биледи: боғча ўқувчилари учун электрон файл тизими келажакдаги ўқувчилар ҳақида барча керакли маълумотни ўз ичига олади.

Канада инклюзив таълимнинг ўзига ҳослиги

Канадада инклюзив таълимни амалга ошириш болаларнинг индивидуал фарқла-ридан қатъи назар, лекин уларни ҳисобга олган ҳолда биргаликда ўрганишни ўз ич-ига олади. Барча болалар ўқув жараёнига қиритилган ва махсус мактаблар деярли йўқ. Махсус синфлар мавжуд, ammo бу ис-тисно ҳолатлардир.

Бирок Канадада инклюзивни амалга оши-ришда баъзи ўзига ҳосиллар бор. Канада-да федерал ҳукумат бошланғич ва ўрта таъ-лимга аралаштиш ҳуқуқига эга эмас ва шун-нинг учун мамлакатдаги 13 мустақил юрис-

дикциянинг ҳар бири ўз таълим сиёсатини белгилайди. Тўрт штатда Канада ҳукумати инклюзив таълим ғоясини тезда қабул қилди. Ҳозир улар бу йўналишдаги тараққиётнинг турили босқичларида, ammo барчаси катта муваффақиятларга эришмоқда.

Қолган тўққиз штат ўз таълим қонунла-рига “инклюзив таълим” атамасини кирит-ди ва бу устувор вазифа эканлигини эълон қилди. Шу билан бирга, улар давлат қонун-ларига мактаблар қайси моделда ишла-шни танлаши мумкинлиги тўғрисида банд қўшди ва шу тариқа ўқув муассасаларига стандарт махсус таълим моделида ишла-шни давом эттиришга ружаст берди.

Канадада ногиронлиги бўлган болаларни умумтаълим мактабига интеграция қилиш ва у ерда ўқиш жараёни қатор босқичларни ўз ичига олади. Биринчидан, махсус комиссия (IPRC) ўқувчиларнинг алоҳида эҳтиёжли бо-ларлар гуруҳига тегишлилигини аниқлайди.

Иккинчи босқичда ҳар бир ўқувчи учун Индивидуал таълим режаси (IEP) тўзилади. Ушбу индивидуал режа ўқувчи томонидан ота-оналарнинг фикри ва мутахассислар-нинг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Агар ўқувчи биринчи навбатда ўзи учун, шунингдек, бошқалар учун хавфли бўлган ғазаб, таъовуз ёки бошқа хатти-харақатларини бошдан кечир-са, IEPда бундай хатти-харақатлар содир бўлганда қандай чоралар қўриш кераклигини тавсифловчи Хавфсизлик режаси мав-жуд. Агар ўқувчи IEPга ёзилса, унинг ху-сусиятларини ҳисобга олган ҳолда махсус ш-кала бўйича баҳоланади. Барча назорат, текшириш ва бошқа ишлар унинг ривожла-ниш даражасига мослашади.

Канадада инклюзив таълимнинг бешта модели бор: биринчи таълимга кўра, бола мактаб кўни давомида оддий синфда ўқи-тилади.

Иккинчи моделга мувофиқ, бола мактаб кўннинг кўп қисмини оддий синфда ўқийди. Унга қийин бўлган дарсларда ўқув ёрдам-чиси кўмаклашади.

Учинчи модел ёрдамида бола мактаб кўннинг 50 фоиздан кўпроғида оддий син-фда ўқитилади. Шунингдек, у синфдан ташқарида махсус тайёрланган ўқитувчи-дан қўшимча индивидуал ёрдам олади.

Тўртинчи моделга кўра, бола оддий мак-табда ўқийди, лекин махсус синфда. Ammo бола баъзи дарсларда оддий синфга ҳам қўшилиди. Масалан, булар Аспергер син-дроми ёки аутизмга боғлиқ бўлиши мумкин.

Бешинчи моделда бола мактаб кўни да-вомида оддий мактабининг махсус синфда оддий синфга қўшилган ҳолда ўқийди. Ушбу модель ақлий қобилиятлари ёки бошқа сабабларга кўра жиддий оғишлар туфайли мунтазам дастурга қўшилмайди-ган болалар учун тавсия этилади.

«Сехрли диёр»да тизим қандай йўлга қўйилган?

2018-2019 йиллар мобайнида АҚШдаги кўзи ожизлар сон 12 миллион кишини таш-кил қилган, уларнинг 1 миллиони мутлақо кўрмайдиган инсонлар эди.

АҚШда бугунги кунда ногиронлиги бор шахсларнинг 12,3 фоизи кичик бизнес субъекти сифатида фаолият юритмоқда. Барча имкониети чекланганлар сингари кўзи ожиз-лар томонидан бизнес фаолиятини юритиш учун тенг ҳуқуқли шартлар яратишга эъти-бор берилмади. Бизнес субъектини рўйхатдан ўтказиш нотенгликка йўл қўймади, шунинг-дек, бунда жинсий, irqий, иқтимоий келиб чи-қиши, иқтимоий мавқе бўйича муносабат бўлишининг олдини олиш қонун билан тар-тибга солинади. 1990 йилда қабул қилинган Имкониети чекланган америкаликлар актида белгиланган қоидалар мажмуи мазкур мав-зудаги тартибни белгилайди. Унга мувофиқ, кўзи ожизлар учун соҳаларда бизнес фао-лиятини юритиш ёки ёлланиб ишлашда нотенгликка йўл қўйилмайди.

Бизнес билан шугулланишни истовчи но-гиронлиги бор фуқаролар учун, жумладан, кўриши қобилияти чекланганлар учун ҳуку-мат томонидан ҳуқуқий ва молиявий ёрдам-лар бериб борилади. Жумладан, уларнинг бизнес режалар ишлаб чиқиши, ишбилар-монлик тақлифларига эга бўлиши, бош-ланғич молиявий кўмак олиши, тренинглр ва ўқув машғулотлари орқали малага оши-риши қўлаб-қувватланади. Юқоридаги бар-ча ҳизматлар бепул бўлиб, улар айнан но-гиронлиги бор, кўзи ожизлар учун мўлжал-ланган ҳукумат дастурлари асосида амал-га оширилади.

АҚШнинг “Ногиронлиги бўлган шахслар таълими тўғрисида”ги қонуни маҳаллий мак-таб тизимида махсус таълим учун зарур маблагларни, индивидуал ўқув дастурлари-ни қўлашнинг, керак бўлганда алоҳида таъ-лимга муҳтож ўқувчиларга махсус қўшимча ёрдам кўрсатишни назарда тутди. Шу билан бирга, ота-оналар махсус давлат ёки ҳусусий мактабини танлашлари мумкин, унда таълим ҳақи, асосан, давлат томонидан тўланади.

Дунё таърибиса ҳар бир давлатда инклю-зив иқтисодий ўсишни таъминлаш осон бўлмаслигини кўрсатади. Чўни бу турли иқти-содий, иқтимоий ва маданий муаммоларни ҳал қилишни талаб этади. Жумладан, инк-люзив тараққиёт нафақат иқтисодиётнинг тар-кибий қисмларини, балки инклюзив таълим, қадриятлар, мотивация, шахсий ўзини ўзи белгилашни ўз ичига олган махсус муҳитни, шунингдек, иқтимоий ва қонунчилик соҳа-сини ривожлантиришни назарди тутди.

Ўзбекистонда амалга ошириляётган чора-тадбирлар

Бугунги кунда Ўзбекистонда кам таъмин-ланган аҳоли ва имкониети чекланганлар



Шерзод МУСТАФОКУЛОВ, Халқаро Нордик университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.



Кобилжон ИСАЕВ, Халқаро Нордик университети Илимий-инновацион тадқиқотлар департаменти бошлиғи, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти аъзоси.

даромади ҳамда иқтимоий ҳумоаланганли-гини ошириш давлат сиёсати даражасига қўтирилган.

Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қат-ламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12 — 15 фоизни таш-кил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолининг 4-5 миллионлик вақиллари ҳақида бормоқда. Баъзи одам-лар иқтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини оши-риш орқали ушбу муаммони ҳал этиши му-кин, деб ўйлайди. Бу бир томонлама ёнда-шув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев та-диклаганидек, камбағалликни кайтайти-риш — бу аҳолида тадбиркорлик ру-ҳини уйғотиш, инсоннинг ички қў-чқувати ва салоҳиятини тўлиқ рўё-га чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва иқтимоий сиёсатни амалга оши-риш, демакдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти томонидан Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга камба-ғалликни қайтайтириш дастурини ишлаб чи-қиш, бу борада халқаро меъёrlар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик ту-шунасси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳо-лаш усулларини қамраб олган янги мето-дология яратиш тақлиф этилди.

2022 йилда Жаҳон банки гуруҳи ва Ўзбе-кистон ўртасида қабул қилинган янги ҳам-корлик дастури хусусий секторда инклюзив бандликни кенгайтириш, инсон капиталини ривожлантириш ва “яшил” иқтисодий ўсиш ҳисобига фаровонликни юксалтириш ҳамда барқарор тараққиёт мақсадларини амалга оширишга қаратилган. Янги ҳамкорлик дастури Ўзбекистоннинг инклюзив ва бар-қарор бозор иқтисодиётига ўтишини тез-лаштирадиган учта стратегик мақсадларга таянади.

Биринчидан, ҳусусий секторда инклюзив бандликни ошириш;

иккинчидан, инсон капиталини ривож-лантириш;

учинчидан, “яшил” иқтисодий ўсиш ҳисо-бига фаровонликни ошириш ва барқарор ривожланиш.

Айни замонда Ўзбекистонга 2030 йил-гача гендер тенгсизликка барҳам бериш, сиёсий қарорларни қабул қилишда фуқаро-лар иштирокчили қайтайтириш, давлат орган-ларининг жамоатчилик олдидидаги ҳисобдор-лигини мустаҳкамлаш каби иқтимоий-иқти-содий ривожланиш мақсадларига эришиш-га ёрдам берадиган вазифаларни амалга оширишга ҳам кўмаклашади.

Президентимизнинг 2022 йил 8 апрел-даги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва ҳусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги Фармонида иқти-содиётда рақобат муҳитини янада яхши-лаш ва ҳусусий сектор олдидидаги бюрократ-тик тўсиқларни қисқартириш, рақобатга қарши ҳаракатларни содир этган ҳўжалик юртувчи субъектларга нисбатан қатъий мо-лявий жаримларни қўлаш, ноқонуний ҳа-ти-харақатлар учун маъмурий жавобгарликни қулайитириш чоралари, шунингдек, айрим ҳўжалик субъектлари учун “тартибга солу-чи гильотина” усулини манзилли қўлаш орқали имтиёзлар, эксклюзив ҳуқуқ ва ус-тукликлари бекор қилиш белгиладди. Маз-кур Фармон иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини ва қулай тадбиркорлик ва ривож-ланиш имкониётларини тақдим этиши би-лан аҳамиятlidir.

Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шах-сларни давлат томонидан қўлаб-қувватлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши ногиронлиги бўлган шах-сларнинг турмуш даражаси ва сифатини я-нада яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бундай шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний ма-нафаатларини рўёбга чиқаришга, жамиятдаги фаол позициясини шакллантиришга кўма-клаштиш, уларни касбга ўқитиш ва ишга жой-лаштириш соҳасидаги ишларни тақомил-лаштириш, қолаверса, ногиронликни бар-вақт аниқлаш ва олдини олиш комплекс чораларини тизимли ва самарали амалга ошириш борасидаги устувор йўналишлар-ни белгилаб бериш билан бирга мазкур фуқароларнинг инклюзив иқтисодий ўси-даги иштироки ва фаол турмуш тарзини таъминлашдаги мўҳим вазифаларни аниқлаб берди.

Ҳужжатга мувофиқ, имкониети чеклан-ган шахсларнинг жамият иқтимоий-иқти-

содий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таъ-лим ва ишга жойлаштириш тизими тақо-миллаштирилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай иш шартлоларини яратиш, тадбиркорлик фао-лиятини қўлаб-қувватлаш мўҳим тадбир-лардан бири ҳисобланади. Бунда, аввалло, ушбу фуқароларнинг малакали билимга эга бўлиши, зарур касбга ўқитилишини таъмин-лаш энг мўҳим вазифа сифатида қаралиб, Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривож-лантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш ти-зимини тақомиллаштириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифати-ни яхшилаш чора-тадбирлари қўрилати.

Президентимизнинг 2020 йил 13 октябр-даги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизими-ни янада тақомиллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги қарори асосида 2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимида ин-клюзив таълимни ривожлантириш концен-цияси, Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълимини 2025 йилгача ривож-лантиришнинг мақсади кўрсаткичлари (ин-дикаторлари) тасдиқланди.

Тахтилий маълумотлар бугунги кунда рес-публика бўйича жисмоний ёки руҳий рив-ожланишдан нуқсонли бўлган болалар учун мўлжалланган 86 та иқтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатда 21,2 миң нафар, 21 та санаторий турлидаги мактаб-интернатда 6,1 миң нафар ўқувчи таълим таъ-минлаш олиниши, шунингдек, узок мулдат даволашига муҳтож бўлган 13,3 миң на-фар ўғил-қиз уйда яқна тартибда ўқитили-шини кўрсатади. 2020 йил статистикасига кўра, Ўзбекистонда 3,2 миңдан ортик ум-вий ўрта таълим мактабларида 13 миң нафарга яқин ўқувчилар инклюзив таълим билан қамраб олинган.

Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган бо-лар таълиминини 2025 йилгача ривож-лантиришнинг мақсади кўрсаткичлари (ин-дикаторлари)нинг тўла рўёбга чиқиши на-тижасида инклюзив таълим тизими жорий қилинган умумий ўрта таълим муассасала-ри улуши ва уларда ўқишга эҳтиёжманд болаларнинг қамраб олинши даражаси 3-4 мартага ошишга, ушбу мақсадлар иш-лари моддий-техник, махсус жиҳозлар, ўқув адабиётлари ва методик кўрсалмалар ба-заси яхшиланишига эришилади.

Ҳар инсон — бебаҳо капитал

Дунё таърибаларига кўра, ногиронлиги бор шахслардан инклюзив таълим сифатида фойдаланиш ниҳоятда самаралидир. Чўки уларда имкониети чекланганлигига қарши равияшда бошқа фазилатларнинг од-дий инсонлардан мавжуд бўлмаган ва та-саввур қила олмайдиган даражаларда шаклланиши ва ривожланиши мавжуд. Бу эса бугунги илм-фан соҳасидаги янги, за-монавий тадқиқот йўналишларини амалга оширишда, натижа ва самараларни аниқ-лаш ҳамда асослашда, илмий янгиликларни амалиётга таътиб этиш ва шу асосда ил-мий-техник, иқтисодий, ижтимоий ривож-ланишларга эришишда мўҳим омили сифа-тида кенг доирадаги олимлар ва мутахас-сислар эътиборини тобора ўзига жиддий жалб этмоқда.

Жумладан, кўзи ожиз фуқароларда ҳис қилиш, ўта нозик ва паст товушларни эшитиш, илгаш, ўнлаб товушларни эши-тиш, илгаш, ўнлаб товушларни эши-тиш, ишчилар маънавияти, ички дунёсига қарб кўзи орқали осон, тез, катта тасав-вуллар билан кириб бориш, одамлар пси-хологиясини ва табиятини овоз, товушлар оханги, талаффузи, интонациясини ва бошқа жиҳатларига кўра ўқий олиш ҳамда тўғри баҳолаш қобилияти қуши шаклланиши боис бундай шахслар жиноятчилик, коррупция оламидаги тадқиқотларда ишончли мутахас-сис сифатида жалб этилмоқда. Шунингдек, кўй, қўшқичлик, ашула, чоғлу, породия каби соҳаларда, ахборотлар (маълумотлар,

БАРҚАРОРЛИК ВА МУВАФФАҚИЯТ ЙЎЛИ



Дунё ҳамжамияти пандемиядан халос бўлишга улгурмай, янги қийинчилик ва синовларга дуч келмоқда. Турли зиддият ва қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай оғир ҳамда мураккаб шароитда ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган яқин ҳамкорликнинг аҳамияти ҳар томонлама юксак. Мана шундай шароитда халқаро инвесторларнинг ишончини қозониш, уларнинг сарможаларини жалб этиш ҳам осон эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини мунтазам равишда яхшилаб боришни таъминлаш — устувор масаладир. Бунда давлатнинг асосий вазифаси миллий иқтисодиётга хоржий капитал йўналтириш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва унинг жозибадорлигини ошириш билан изоҳланади. Хоржий инвестициядан манфаатдорлик ҳар қандай давлатнинг ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишнинг талаби қилади. Бу сиёсат хоржий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос йўналишини, шунингдек, уларни жалб қилишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилайди.



цион инструментларнинг турли кўринишлари яратиб келинмоқда. Шулар қаторида иқтисодий ривожланиш бошқа давлатларга қараганда тез суръатларда ўсиб бораётган, товар ва хизматлари дунёнинг барча ўлка-сига тарқалган, бугунги кунда ўннга энг оммалашган сўз — “Made in China” дея эътироф этилаётган, Хитойнинг инвестицияларни жалб қилиш борасидаги ютуқлари ва бунинг омилларини кўриб чиқамиз.

Хитойнинг тез суръатларда ривожланишига таъсир қўрсатган муҳим омиллардан бири — инвесторлар учун зарур бўладиган, худудларнинг имкониятлари ва салохиятларини намоён этадиган маълумотлар базаси (паспорт) ишлаб чиқилганига ва арзон ишчи кучига эгаллиги билан белгиланади. Ушбу база интернет-ресурс сифатида очиб қўйилганиги, Хитой корхоналари учун хоржий инвестицияларнинг оқиб келишини ва бизнес ҳамкорлигини кучайтишни таъминлади. Бунинг кунда Хитойнинг жаҳон иқтисодиётидаги макенини ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатларда охишини таъминлашга хизмат қилган омил ҳам айнан унинг очилганиги, соғлом имижки ва инвестициявий жозибадорлигидир.

Қолаверса, Хитой раҳбарияти томонидан ташқи дунё билан Хитойнинг муносабат алоқасини ўрнатишга, тадбиркорлар билан давлатнинг бирдамлиги ва ишончли шериклиги таъминлашга, жаҳон ҳамжамияти ташаввурида Хитойнинг ишончли ҳамкор имижини ҳосил қилишга, ишлаб чиқаришнинг юқори маҳсулдорлиги билан ривожланиш эмас, балки тараққийнинг инновацион асосда қурилишини таъминлашга ҳам эътибор қаратилади.

Шу ўринда айтиш жоиз, аввалги ўн йилда Хитой жаҳон ҳамжамияти олдиди ўзининг нуфуси ва обрўсини кўтариш буйича кўплаб тизимли тадбирларни амалга оширди. У бир қанча халқаро ва минтақавий ташкилотлар: Осмё — Тинч океани ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан иқтисодий, шунингдек, эркин иқтисодий зона-ларни ташкил этиш буйича Хитой — Араб, Хитой — Африка ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб келмоқда.

Хитой давлати Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиши билан кўплаб соҳаларда тув иқтисодларини амалга оширди. Хусусан, турли хилдаги тарифларни пасайтириш; иқтисодиётнинг телекоммуникация, сурғат, банк, савдо, логистика каби муҳим соҳаларига йўналтирилган инвестицияларга тўсиқ ва чекловларни олиб ташлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни келтириш мумкин. Ушбу яратилган имконият ва шароитлар туфайли нафақат трансмиллий компаниялар, балки кичик ва ўрта ҳаҷдаги хоржий компанияларнинг Хитойга инвестиция қилиши билан боғлиқ фаоллиги янада ошди. Шулар туфайли ушбу мамлакатга киритилган инвестицияларнинг ҳажмининг охиши йилдан-йилга ўсиб боради. ЖСТга аъзо бўлган 2006 йилдан хоржий банк муассасалари учун географик ва операция чекловлар олиб ташланди. Бунинг натижасида хоржий банкларнинг шубҳа муассасаларни ташкил этилиши ва улар томонидан Хитойнинг исталган худудда резидентлар учун юанда операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ тартиблар ўрнатилди. Тақдир қилган имкониятлардан Англия банки — “Standard Chartered Bank” биринчилардан бўлиб фойдаланди ҳамда бошқа бир қатор банкларнинг: “Citigroup” (АҚШ), “НСРСН” (Англия), “ABN AMRO” (Нидерландия), “Bank of east Asia” ва “Hang Seng Bank” (Гонконг) сингари молия муассасаларининг кириб келишини таъминлади.

2008 — 2012 йилларда бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан кейин Хитой давлати хоржий инвестицияларнинг кириб

келишини пасайтирмаслик мақсадида “яшил йўлак” тизимини амалга оширди. Ушбу тизимдан хоржий капиталга эга бўлган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва хоржий инвестицияларнинг кириб келишини рағбатлантириш масалалари ўрин олган бўлиб, бу, ўз навбатида, инвесторлар учун “ҳимоя ёстиғи” вазифасини ўтади. Амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-маъмурий ва сиёсий-ташқилий чора-тадбирлар сабаб Хитой кейинги беш йилда энг йирик савдотикни амалга ошираётган етакчи давлатлардан бирига айланган. UNCTAD томонидан эълон қилиб келинаётган ҳисоботларда ХПР капиталнинг импорти ва экспорт буйича лидер мамлакат сифатида рейтингда кучли ўнликдан жой олиб келмоқда. Инқироздан олдинги даврларда (2005 — 2007) Хитойга тўғридан-тўғри хоржий инвестициялар импорти ўртача 76,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, бу жаҳондаги умумий кўрсаткичнинг 5,4 фоизига тўғри келган. 2019 йилга келиб эса Хитой 141 млрд. доллар тўғридан-тўғри хоржий инвестицияларни ўзлаштирди.

Қулай муҳит — ютуқлар асоси

Келинг, шу ўринда мухтасаргина Сингапур давлатининг ривожланиш йўли ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Ушбу давлатнинг “иқтисодий муъжизаси” билан шуғулланган барча олимларнинг фикри бир муҳим нуктага бориб тақаллади. У ҳам бўлса, Сингапурда қулай инвестиция муҳитининг яратилганиги. Айнан ушбу ҳолат туфайли инвесторлар томонидан бу янги давлатга кўплаб лойиҳалар киришти амалга ошди, ЯИМ ҳажми йилдан-йилга кескин ортиб борди. Бугунги кунда ҳам инвесторлар томонидан Сингапур давлатига ҳеч иккинчи мамлакат капитал маблағлар йўналтириб келинмоқда. У ердаги инвестициявий муҳит жозибадорлиги донор мамлакатларнинг доимий қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Инвестициявий иқлимга таъсир қўрсатувчи муҳим кўрсаткичлардан бири — инфляция даражасидир. Инфляция даражаси қанчалик паст бўлса, инвестициявий жозибадорлик шунчалик юқори бўлади. 2005 йилда Сингапурда инфляция 0,5 фоизни, 2019 йилга келиб эса 0,4 фоизни ташкил этди. Давлатнинг инвестициявий муҳит жозибадорлигига баҳо беришда, бугунги кунда энг кўп тарқалган усуллардан бири, бу — Doing Business индекси ва Глобал рақобатбардорлик индекси. Жаҳон банки гуруҳи ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган келинаётган Doing Business индексига Сингапур 190 мамлакат орасида 2019 йилда 2-ўринни қайта этди (2008 йилдан 2014 йилга қадар эса Сингапур бу индексда 1-ўринни эгаллаб келган). Олиб берилган излашлар ва ўтказилган сўровнома натижалари бўлиб, Сингапурда бизнесни очиб ва ўрни юритиш буйича яратилган шароитлар ва юқори натижага эришишда давлат сиёсий тизимнинг барқарорлиги, самарали иқтисодий сиёсат, юқори инвестициявий имкониятнинг мавжудлиги ва инфраструктуранинг ривожланишига таъсир қўрсатган.

Хитой ва Сингапур давлатларининг хоржий инвестицияларни жалб қилишда инвестициявий муҳит жозибадорлигини ошириш борасидаги тақрибларини Ўзбекистон шароитида татиқ этиш, улардан фойдаланиш келажакда мамлакатнинг бундан-да юқори суръатларда ривожланишини, аҳолининг даромад манбаи кўпайишини таъминлашга хизмат қилади.

Жумладан, ушбу давлатлар каби Ўзбекистоннинг ҳам халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган сўровномаларда фаол иштирок этиши, дунё мамлакатларининг инвестициявий жозибадорлигини кўрсатадиган рейтингларнинг барчасида, хусусан, Глобал рақобатбардорлик индекси, Глобал инновацион индекс ва Бизнес муҳити ҳақиқи индексида иштирокчини таъминлаш буйича чора-тадбирларни амалга ошириш келажакда инвесторларнинг инвестицияларни киритиши буйича қарорларга иқбой таъсир қўрсатади. Сабаби, хоржий инвестор бирор-бир давлатга инвестиция киритишдан олдин ўша мамлакатнинг инвестициявий муҳити ҳақида ишончли маълумотга эҳтиёж сезади. Албатта, энг ишончли манбалардан бири эса халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан юриладиган индекслар ҳисобланади. Бу индекслардан инвесторлар ўзларига керакли

ва ишончли маълумотларни қўлга киритиши мумкин. Шундай экан, юқорида номи келтирилган индексларда Ўзбекистоннинг иштирокини кучайтириш, мамлакатнинг инвестициявий муҳитини хоржий инвесторларга намоён қилишда иқбой аҳамиятга эга.

Маъжуд вазиятга эътибор қаратилса, хоржий инвестицияларни Ўзбекистонга жалб қилиш буйича асосий хоржий ҳамкорлар — Хитой, Россия ва Германия давлатлари бўлганини кўрамиз. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритадиган давлатлар умумий сони 50 тадан ошди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий-иқтисодий тараққийининг асосий тенденцияси ва кўрсаткичлари ҳамда келгуси йилларга мўлжалланган прогнозларга қўра, мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хоржий инвестициялар ҳажмининг ошириш, инвесторлар учун ишончли кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш устувор йўналиш бўлиб қолади.

Сармоядорларни қўллаб-қувватлашнинг янги самарали тизими

Айни чоғда, Ўзбекистон хоржий инвестицияларни жалб этиш буйича бир қатор масала ва муаммолар ҳалигача очiq қолётганини татиқлаш лозим. Бу борадаги паст кўрсаткичнинг сабабларини аниқлаш мақсадида Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистонда ишлаб таърибасига эга хоржий сармоядорлар, бизнесменлар ва молия ташкилотларининг экспертилари ўрта-савдо сўровнома ўтказган. Улар Ўзбекистон сармоя қўшимчи тўхтаиб қўйётган қатор омил ва шароитларнинг баъзилари сифатида қуйидагиларни санаб ўтишган: банк-кредит тизимининг такомиллашмагани, сармоядорлар ҳуқуқларининг заиф ҳимояси ва етарли даражада самарали бўлмаган суд тизими, маъмурий-бюроқратик тўсиқлар, паст инвестиция рейтингини.

Шу боис Президентимиз чет эллик сармоядорлар билан учрашувда Ўзбекистон иқтисодиётига хоржий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш имконини берадиган чора-тадбирларни илгари сурди.

Биринчидан, қонун устуворлиги янги Ўзбекистон тараққийининг бош тамойилларидан бири этиб белгиланди. Бундан буён фуқаро ва тадбиркорларга мулк ҳуқуқини сўзсиз таъминлаш ва ҳимоя қилиш шаффоф ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими томонидан илғор ҳоржий амалиёт ва тақрибани жорий этиш мақсадида Хоржий инвесторлар кенгаши хузурда доимий фаолият юритадиган Инвестициянинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш кўмитасини ташкил қилиш тақриф этилди.

Иккинчидан, Ўзбекистон банк-молия соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлидан боради. Бу ўринда гап маъзур соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, хоржий банклари Ўзбекистонга фаол жалб этиш, самарали фонд бозорини шакллантириш ҳақида бормоқда.

Учинчидан, иқтисодиётда давлат улушини қамуғайлаштириш ва хусусийлаштиришни янада қулайлаштириш асосий макссаллардан бири бўлиб қолади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда 1 200 та давлат корхонаси хусусийлаштирилди. Келгуси йилнинг ўзида яна мингта яқин корхона ва кўчмас мулк объектлари хусусийлаштирилади. Шу билан бирга, давлат-хусусий шериклик механизми иқтисодиётнинг барча тармоғига фаол татиқ

этилади. Ва қисқа муддатда маъзур йўналишда сезиларли натижаларга эришилди. Биргина энергетика соҳасида Ўзбекистон ушбу механизмлардан фойдаланган ҳолда 8 миллиард доллардан ортиқ маблағни жалб этди.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг бой табиий ресурсларини ўзлаштиришда катта имкониятлар мавжуд. Хабарингиз бор, мамлакатимиз олтин захиралари буйича дунёда 2-ўрин, миз буйича — 7, вольфрам буйича — 8, қумуш буйича — 9, уран буйича 12-ўринни эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, фойдали қазилма конларини ўзлаштириш соҳасига йирик инвестицияларни жалб этиш мақсадида геология маълумотлар очiq эълон қилинди. Ундан ортиқ турдаги стратегик фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун солиқ ставкаларини пасайтирилди, ер солиғи бекор бўлди, маъсус теҳникалар божона тўловларидан озод этилди. Хомашени чуқур қайта ишлаш буйича аниқ лойиҳалар тайёрланди.

Биргина мисол. Ўзбекистонда йилга 150 минг тонна миз қазиб олинади ва унинг атиги 70 минг тоннаси қайта ишланади. Яқин йилларда миз ишлаб чиқариш ҳажми 500 минг тоннага етказилади. Шу муносабат билан миз кластери барпо этиляпти. Унинг худудида миз фольгаси, электродвигательлар, қуёш панеллари, кабель-ўтказгич маҳсулотлари ва бошқа юқори қўшилган қий-матли товарларни ишлаб чиқариш буйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бешинчидан, Ўзбекистонда рақамлаштириш соҳасига инвестицияларнинг жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг қабул қилингани беҳиз эмас. Ушбу ҳужжатда барча муҳим соҳаларни рақамлаштириш назарда тутилган. Қўшимчасига, мамлакатимиз худудларида ИТ-парклар ташкил этилмоқда. Бундай парклар резидентлари барча солиқ ва йўллардан озод қилинган. Хоржий инвесторлар ва технологийларнинг фаол иштирокисиз ушбу соҳани ривожлантириш мумкин эмас. Шу сабабли кенгаш аъзолари билан маъзур йўналишда қўшилган лойиҳаларни амалга оширишда самарали ҳамкорликка умид қилинмоқда.

Олтинчидан, Ўзбекистон “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш жараёнида фаол қатнашмоқда. Қабул қилинган стратегияга мувофиқ, 2026 йилга қадар мўқибл манба-лардан олиннадиган энергиянинг умумий генерациядаги улушини 25 фоизга етказиш белгиланган. Шу билан бирга, илмий-тех-ник салоҳиятни ривожлантириш ва қайта тик-ландиган энергия манбаларни соҳасида му-тахассислар тайёрлаш учун зарур шароит-лар яратиш мўлжалланмоқда.

Эътиборлики, қайд этилган ҳар бир усту-вор йўналишини амалга ошириш учун Ин-вестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қоши-да сармоядорларни қўллаб-қувватлаш иш-чи гуруҳи ташкил этилган бўлди. Ушбу иш-чи гуруҳ Хоржий инвесторлар кенгаши хузур-и-да фаолият юритади ҳамда чет эллик сар-моядорларни комплекс ва тизимли ра-вишда қўллаб-қувватлаш билан шуғулла-нади. Хусусан, инвесторни азропортда ку-тиб олишдан тўртта, бизнес учун зарур руҳ-сат-но ва лицензиялар беришга бўлган бар-ча хизматларни “ягона ойна” тамойили а-сосида қўрсатади.

Бундан кўринадик, Ўзбекистон хоржий сармояларни жалб этишга астойдил бел бо-лаган. Белгиланган вазифаларнинг амал-га оширилиши эса юртимизнинг порлоқ ис-тиқ-болига йўл очади, халқимизнинг фаро-вон ҳаётини таъминлашга хизмат қилади.

Зумрад ГОИБНАЗОВА,
ТДТУнинг Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси профессори, иқтисодий фанлари доктори (DSc).

Таҳлил

Инвестиция, бу — иқтисодиёт драйвери

Жаҳон таърибаси шуну қўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция, бу — иқтисодиёт драйвери, таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётнинг юраги. Ҳар қандай давлат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобида иқтисодиётнинг жадал ривожлантиришга эришади. Иқтисодиётдаги иқбой натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади.

Қўртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузур-и-даги Хоржий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлисидаги нутқиди шулар ҳақида сўз борди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда кенг қўлғамли ислохотлар амалга оширилмоқда. Миллий иқтисодиётнинг оқиқ-лигини таъминлаш ва унинг жаҳон иқтисо-диётига интеграцияси учун зарур шароит-ларни яратиш ислохотларнинг асосий йўна-лиши этиб белгиланди. Шу мақсадда валю-та бозори эркинлаштирилди, хусусий ин-весторларга энергетика, геология-қидирув, кимё ва нефть кимёси, тиббиёт ва таълим каби соҳаларда фаолият юритиш имкониятлари кенгайтирилди. Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Бу борадаги ишлари тизимли мувофиқлаштириб бориш учун алоҳида агентлик ташкил этилди.

Замонавий иқтисодиёт драйвери бўлган хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш буйича инқилибий қарорлар қабул қилинди. Бу соҳада икки юздан ортиқ лицензия ва рўхсат-номалар бекор бўлди. Солиқларнинг умумий сони 13 тадан 9 гага қисқарди, айрим солиқ ставкалари 2 баробарга туширилди. Келгуси йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга ка-майтирилди.

Миллий иқтисодиёт ривожини учун хоржий инвестициялар қанчалик зарур экани барча-га маълум. Шу боис инвесторларнинг ҳуқуқий макомини аниқ белгилаш ва уларнинг ман-фаатлари ҳимояси учун инвестициялар тур-си-сида алоҳида қонун қабул қилинди. Ўзбеки-стон Республикаси Президентини ҳузурда биз-нес-омбудсман институти ташкил этилди.

Ана шундай чора-тадбирлар глобал миқёсдаги беқарорлик ва инқирозлар шароитида ҳам миллий иқтисодиёт ўсишини таъминлашга ёрдам берди. Хусусан, пан-демия ағир олган даврда ташқи бозорлар-даги оғир вазиятга қарамадан, иқтисодий ўсишнинг илмий динамикаси сақлаб қол-инди. Утган йили бу кўрсаткич 7 фоиздан ош-ди. Жорий йилда ҳам иқтисодиётимиз ўсиш-да давом этипти.

Қулай инвестиция муҳитини яратиш буйича амалга оширилган ислохотлар натижаси-да сўнгги беш йилда иқтисодиётимизга кир-итилган хоржий инвестициялар ҳажми 10 баравар ошиб, қарийб 40 миллиард дол-ларни ташкил этди. Ўзбекистон 10 йил ичи-да ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ҳозирдан икки баравар оширишни мақсад қилган. Бун-дай юксак марралар учун сармоялар ҳаж-мини келгуси беш йилда 120 миллиард дол-ларга етказиш, жумладан, қамда 70 мил-лиард доллар хоржий инвестициялар жалб

қилиш режалаштирилган. Ушбу инвестиция-ларни, энг аввало, саноат соҳаларини мо-дернизация ва трансформация қилиш, ишлаб чиқариш, коммунал ва транспорт инфра-структурасини жадал ривожлантиришга йўналтириш учун аниқ лойиҳалар ва дастур-лар бор. Шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш каби давлат қарамонидида аъна-вий соҳаларга ҳам хусусий инвестициялар жалб қилиш кун тартибиди турибди.

Ўзбекистон хоржий инвесторларни ўзаро манфаатли янги лойиҳаларни ишлаб чиқи-ш, ишлаб чиқариш, коммунал ва транспорт инфра-структурасини жадал ривожлантиришга йўналтириш учун аниқ лойиҳалар ва дастур-лар бор. Шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш каби давлат қарамонидида аъна-вий соҳаларга ҳам хусусий инвестициялар жалб қилиш кун тартибиди турибди.

Ўзбекистон хоржий инвесторларни ўзаро манфаатли янги лойиҳаларни ишлаб чиқи-ш, ишлаб чиқариш, коммунал ва транспорт инфра-структурасини жадал ривожлантиришга йўналтириш учун аниқ лойиҳалар ва дастур-лар бор. Шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш каби давлат қарамонидида аъна-вий соҳаларга ҳам хусусий инвестициялар жалб қилиш кун тартибиди турибди.

Унга қўра, мамлакатимизга инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп мартали уч йил-лик виза олиш ва унинг амал қилиш мудда-тини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чи-қиш заруратида текчанмаган микродра-за ушайтириш ҳуқуқи берилди; чет эл ин-вестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондидаги хоржий инвестициялар улуғ-ини энг кам микдори 30 фоиздан 15 фо-изга қамайтирилди; чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг иштирокисиз си-фатида хоржий юридик шахс қатнашиши шартлиги тўғрисидаги талаб ҳам бекор қилинди; шунингдек, қиллоқ хўжалиғига мўлжалланган ер участкасини 50 йилга м-дудлат, лекин аризада қўрсатилганидан кам бўлган муддатта инвестиция лойиҳалари-ни амалга ошириш учун узоқ муддатли иж-ара бериш; кўчмас мулк объектларини қуриш учун ер участкаларига доимий эгаллик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш белгиланди.

Бундан ташқари, “Инвестициялар ва ин-вестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ўз-аксини топган Ўзбекистонда инвесторлар учун солиқ оғирлигини пасайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган солиқ сиёсати ва солиқ-тариф бошқаруви ислохотлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Хоржий капитални жалб этиш осонми?

Ривожланган мамлакатларда тўп-ланган таъриблар, амалга оширилган исло-хотлар, қабул қилинган қарорлар ва чора-тадбирларнинг тув муҳиятини ўрганиш, ютуқ ва камчиликларини илмий жиҳатдан таъки-дий таҳлил қилиш миллий иқтисодиётимиз-нинг тараққийети учун ҳар томонлама дастақ вазифасини ўтади. Бинобарин, халқаро майд-онда мавжуд бўлган бой таъриблар, за-монавий тенденциялар йилдан-йилга та-комиллашиб, ўзгариб бормоқда. Хусусан, ин-вестицияларни жалб этиш, уларни экспорт ва импорт қилиш, инвесторларнинг ман-фаатлари ҳимояси, инвестициявий фаоллик ва рақобатбардорлигини ошириш билан боғ-лиқ масалалар шулар жумласига қиради.

Хоржий инвестициялар ҳажми, унинг си-фати ва қулай шартлардан фойдаланиш бо-расида ривожланган мамлакатларда йилдан-йилга инвестициявий муҳит жозибадорлиги-ни таъминлашга хизмат қиладиган инно-ва-

БОЖОНА ХУДУДИДА ҚАЙТА ИШЛАШ ИШЛА ЧИҚАРИШНИ ЯНГИ БОСКИЧГА ОЛИБ ЧИҚИБ, ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари томонидан макроиқтисодий барқарорлик — кўп жиҳатдан импортни тартибга солишга боғликлиги таъкидланиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, импортни тариф ва нотариф усуллар орқали бошқариш сиёсатини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жараён

Хусусан, жорий йилнинг 22 август кунини ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тад-биркорлар билан очiq мулоқоти до-ирасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, экспортни қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш

ҳамда товарларни “божона худуди-да қайта ишлаш” божона режими-га жойлаштириш тартиботларини соддалаштириш зарурлиги таъкид-ланди.

Бу борада давлатимиз раҳбари-нинг шу йил 25 апрелда қабул қилинган “Божона худудида қайта

ишла божона режими қўлланиши-ни соддалаштиришга оид қўшим-ча чора-тадбирлар тўғрисида” Фар-мони ҳамда 12 октябрда қабул қилинган “Саноат ишлаб чиқариши-да ҳамашё узлуксизлигини таъмин-лаш буйича қўшимча қўлайлиқни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори билан тадбиркорлар учун яратилган қўлайлиқлар ва имко-ниятлар натижасида республикамиз худудида хоржий ҳамашё ва товар-ларни қайта ишлаш ҳажми сезилар-ли ортганини таҳлиллар натижасида кўришимиз мумкин.

Таҳлиллар шуну қўрсатмоқдаки, ўтган йил январь — октябрь ойла-рида “божона худудида қайта иш-лаш” божона режими-га қиймат

жами 280,7 млн. АҚШ долларига тенг товарлар жойлаштирилиб, 303,3 млн. долларлик товарлар хо-рижий ҳамкорларга етказиб берил-ган бўлса, жорий йилда ушбу қўрсат-кич мос равишда 473,2 млн. (+68,6 фоиз) ва 419,5 млн. (+38,3 фоиз) АҚШ долларини ташкил этди.

Қолаверса, ўтган йилда ушбу тар-тибдан фойдаланган тадбиркорлар сони 91 тага етган бўлса, жорий йилда улар 155 тага (+69,2 фоиз) яқинлашмоқда.

Яна бир таҳлил: ўтган йилда олиб келинган ҳамашё ва товарларни қайта ишлаш натижасида жами 71 турдаги тайёр ва яримтайёр маҳ-сулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, 2022 йилнинг ўтган 10 ойи давоми-да 97 турдаги товарлар тайёр ҳол-га келтирилиб, чет давлатларга олиб чиқилди.

Бундан ташқари, Фармон билан тадбиркорларга яратилган қўлайлик-лар натижасида республикамиз худ-удиди аввал қайта ишлаш режимида қайта ишланган айрим товарлар (ўсимлик ёғи (8,9 млн. долл.), цел-люлоза (1,9 млн. долл.), аргалаш ўғитлар (1,9 млн. долл.), сирагет (413,18 миң долл.), ёғоч плиталари (ДСП, МДФ) (319,98 миң долл.), маший техникалар (123,30 миң долл.), цемент маҳсулотлари (98,63 миң долл.) божона режи-мида божона худ